

Ўқув-услубий мажмуа

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ЮРИДИК
КАДРЛАРНИ ХАЛҚАРО
СТАНДАРТЛАР БУЙИЧА
ПРОФЕССИОНАЛ УҚИТИШ
МАРКАЗИ



ЮРИСПРУДЕНЦИЯ

2021

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРИНИГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ЮРИДИК КАДРЛАРНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР БЎЙИЧА
ПРОФЕССИОНАЛ ЎҚИТИШ МАРКАЗИ

ЮРИСПРУДЕНЦИЯ

қайта тайёрлаш ва малака ошириш
йўналиши

“ФУҚАРОЛИК - ҲУҚУҚИЙ ФАНЛАР”

модули бўйича

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчилар:

О.Оқюлов – ТДЮУ Фуқаролик ҳуқуқи кафедраси профессори, юридик фанлар доктори

Такризчилар:

Э.Мусаев – ТДЮУ Фуқаролик ҳуқуқи кафедраси доценти в.б., юридик фанлар номзоди

У.Шораҳметова – ТДЮУ Фуқаролик ҳуқуқи кафедраси доценти, юридик фанлар номзоди

Ўқув-услубий мажмуа Тошкент давлат юридик университети кенгашининг 2020 йил _____ даги ____-сонли қарори билан наширга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА:

| | |
|---|----|
| I. ИШЧИ ДАСТУР | 4 |
| II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ | 14 |
| III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР | 23 |
| IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ | 66 |
| V. КЕЙСЛАР БАНКИ | 73 |
| VI. ГЛОССАРИЙ | 82 |
| VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ | 88 |
| VIII. ТАҚРИЗЛАР | 91 |

I. ИШЧИ ДАСТУР

КИРИШ

Ушбу дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–4732-сон, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ–5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ–5847-сон Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сон, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3151-сон, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сон қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Жамиятни демократлаштириш шароитида фуқаролик-ҳуқуқий фанлар тўғрисида қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курси тингловчиларининг билимларини такомиллаштириш, ушбу соҳа муаммоларини аниқлаш, таҳлил этиш ва баҳолаш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш, шунингдек фуқаролик -ҳуқуқий фанларнинг асосий масалалари юзасидан чуқур билим олишни таъминлаш ҳамда педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш, замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий

компетентлик даражасини ошириш, педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш, ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш ҳамда ўқув жараёнини фан ва амалиёт билан самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш фаннинг мақсади ва вазифларини ташкил этади.

Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма, малака ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Фуқаролик-ҳуқуқий фанлар” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- фаннинг назарияси, қонуниятлари ва асосий тамойилларини;
- фуқаролик-ҳуқуқий фаолият соҳаларига тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни;
- фуқаролик-ҳуқуқий фанларни ўқитишнинг ўзига хос жиҳатларига, ушбу фанлар бўйича модулли ўқитиш тизими ва унинг қисмларига, маъруза ўқишнинг интерфаол усулларини ушбу фанларан маъруза ўқишда қўллашни, кейс-стади асосида дарс ўтишни;
- ҳуқуқий фанлар бўйича инновацияларни, шунингдек ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услубларини;
- ўқув жараёнида назарий тайёргарликни ҳуқуқни қўллаш фаолияти билан узвий боғлашни;
- ҳуқуқий ахборот тизимларини қўллаш метод ва воситаларини билиши керак.

Тингловчи:

- фуқаролик-ҳуқуқий фаолият соҳаларига тегишли фанларнинг сўнгги ютуқларини, илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва таҳлил қилиш;
- фуқаролик-ҳуқуқий фаолият соҳаларига оид қонунчилик нормаларини, илмий ва амалий тадқиқотларни ўқув жараёнида қўллаш олиш;
- фуқаролик-ҳуқуқий фаолият соҳаларига тегишли фанларни ўқитишда ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига фаол тадбиқ этиш ва ҳуқуқий фанларни ўқитишда таълим беришнинг модулли тизимидан кенгроқ фойланиш;

- ҳуқуқий фанларга тааллуқли бўлган тадқиқотларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва ҳуқуқий фанларни ўқитишда амалиёт материалларидан кенгрок фойдаланган ҳолда таҳлилий фикрлаш;

- республикамиздаги ва хорижий давлатлардаги ҳуқуқий фанларга тегишли илмий ютуқларни, махсус адабиётларни ва бошқа ахборотларни ўрганиш;

- фуқаролик-ҳуқуқий фанлар доирасида тақдимотлар яратиш, мустақил ва масофавий таълимни ташкил этишда видео маърузаларни тайёрлаш ва улардан фойдаланиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- фуқаролик-ҳуқуқий фаолият соҳаларига тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни шарҳлаш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш;

- суд ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорларини моддий ҳуқуқ нуқтаи-назаридани таҳлил қила олиш;

- ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислохотлар, хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мазмун-моҳиятини тўғри тушуниш, тадбиқ этиш ва ўқувчиларга муносиб етказиб бериш;

- фуқаролик-ҳуқуқий фаолият соҳаларига оид хорижий тажрибаларни ўрганиш ҳамда уларни миллий қонунчилик билан қиёсий таҳлил қила олиш;

- касбий вазифаларни самарали амалга ошириш учун зарур бўлган ҳуқуқий ахборотларни излаш, сақлаш, қайта ишлаш ва узатиш воситаларидан фойдалана олиш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- фуқаролик ҳуқуқи ва процесси ҳамда юридик таълимнинг бошқа устувор соҳалари бўйича талабаларни фундаментал, шунингдек амалий касбий тайёргарлигини таъминлаш;

- ўқув жараёнини назарий тайёргарликнинг ҳуқуқни қўллаш фаолияти билан узвий боғлиқлигини, талабаларда таҳлилий фикрлашни шакллантиришни, янги билимларни мустақил эгаллаш ва қўллашни таъминлайдиган ўқитишнинг замонавий шакл ва методлари, педагогик, ахборот-коммуникациявий, инновацион технологиялар асосида ташкил этиш;

- ҳуқуқни қўллаш амалиётига, ўқув жараёнига илмий ишланмалар натижаларини самарали жорий этиш;

- ўқув жараёнида таълим беришнинг модулли тизимини қўллаган ҳолда талабаларда тизимли мушоҳада юритиш, вазиятни баҳолай билиш, оптимал қарор қабул қилиш қобилиятини ривожлантириш, шунингдек, уларда юридик фаолиятнинг тегишли соҳаларини бошқариш кўникмаларини шакллантириш;

- махсус фанларни ўқитишда казус ва муаммоли саволлар тузиш **компетенцияларини** эгаллаши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Фуқаролик-ҳуқуқий фанлар” модули маъруза, амалий ва кўчма машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, кейс-стади, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Фуқаролик-ҳуқуқий фанлар” модули ўқув режадаги “Маъмурий-ҳуқуқий фанлар”, “Жиноят одил судловининг асослари” каби модуллар билан ўзаро боғлиқ ҳамда услубий жиҳатдан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар фуқаролик-ҳуқуқий фанларга оид муаммоларни аниқлаш, уларни таҳлил этиш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

| № | Модул мавзулари | Умумий ўқув юкلامаси соатлари | | | |
|-------------|---|-------------------------------|-------------------------|-----------|----------------|
| | | Жами | Аудитория ўқув юкلامаси | | |
| | | | Назарий | Амалий | Кўчма машғулот |
| 1. | Хусусий ҳуқуқ тизимида фуқаролик ҳуқуқи ва бизнес ҳуқуқининг ўрнини аниқлаш | 4 | 2 | 2 | |
| 2. | Тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахслар ташкилий-ҳуқуқий шакллари конструкцияларини таҳлил қилиш | 4 | 2 | 2 | |
| 3. | Битимларнинг ҳақиқий эмаслиги ва унинг оқибатларини ҳуқуқий тартибга солиш | 6 | 2 | 4 | |
| 4. | Реклама фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш масалалари | 2 | | 2 | |
| 5. | Махсус иқтисодий зоналарда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари | 2 | | 2 | |
| 6. | Ўзбекистон Республикасининг тадбиркорлик ва бизнесга оид халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш борасидаги муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича амалий чора-тадбирлар | 4 | 2 | | 2 |
| 7. | Пандемия ва фавқулотда шароитларда бизнес, тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш | 4 | 2 | | 2 |
| Жами | | 26 | 10 | 12 | 4 |

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

Мазкур модул юзасидан тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари назорати белгиланган тартибда амалга оширилади.

НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Хусусий ҳуқуқ тизимида фуқаролик ҳуқуқи ва бизнес ҳуқуқининг ўрнини аниқлаш

Замонавий цивилистика ва хусусий ҳуқуқда фуқаролик ҳуқуқи ва бизнес ҳуқуқининг ўрни ва аҳамиятига оид ёндашувлар. Ўзбекистонда цивилистика мактабининг шаклланиши ва ривожланиши. Хусусий ҳуқуққа оид илмий тадқиқотларни ривожлантириш йўналишлари.

2-мавзу. Тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахслар ташкилий-ҳуқуқий шакллари конструкцияларини таҳлил қилиш

Юридик шахслар ташкилий-ҳуқуқий шакли тушунчаси ва турларини мисоллар билан тушунтириш. Фуқаролик кодекси ва махсус қонунларда тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахслар ташкилий-ҳуқуқий шаклларидаги номувофикликларни таҳлил қилиш, шунга оид қазусларни келтириш. Янги Фуқаролик кодексда янги ташкилий-ҳуқуқий шакллар конструкцияларини кўпайтириш ва кам тузиладиган ташкилий-ҳуқуқий шаклларни оптималлаштириш масалаларини жадвал кўришида акс эттириш

3-мавзу. Битимларнинг ҳақиқий эмаслиги ва унинг оқибатларини ҳуқуқий тартибга солиш

Битимлар ҳақиқий эмаслиги тўғрисидаги умумий қоидаларни баён этиш. Низоли битим ва унинг турларини фуқаролик судлари амалиётидан мисоллар ёрдамида тушунтириш. Иқтисодий судлар амалиётидан ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим ва унинг оқибатларини қўллаш билан боғлиқ қазусни таҳлил этиш. Битимни ҳақиқий эмас деб топиш асослари ва ҳолатларини аниқлаштиришни назарда тутувчи нормаларни қайта кўриб чиқиш истиқболларини муҳокама этиш

4-мавзу. Реклама фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш масалалари

Реклама тушунчаси ва рекламага доир асосий талабларни тақдимот кўринишида намоиш этиш. Реклама тўғрисидаги қонунчилик ривожланишини қиёсий жадвал шаклида тақдим этиш. Рекламани ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ илмий тадқиқотлар шарҳини танқидий таҳлил этиш.

5-мавзу. Махсус иқтисодий зоналарда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари

Махсус иқтисодий зоналар тушунчаси ва турларини хорижий мамлакатлар билан таққослаган ҳолда тушунтириш. Сўнгги йилларда эркин иқтисодий зоналар ташкил қилиш амалиётини статистик маълумотларга асосланиб таҳлил қилиш. Махсус иқтисодий зоналардаги махсус ҳуқуқий режим моҳиятини аниқ мисоллар билан тушунтириш. Махсус иқтисодий зонани ташкил этиш ва уни бошқариш тартибини такомиллаштириш масалаларини муҳокама қилиш.

6-мавзу. Ўзбекистон Республикасининг тадбиркорлик ва бизнесга оид халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш борасидаги муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича амалий чора-тадбирлар

Тадбиркорлик ва бизнесга оид халқаро рейтинглар ва индекслар умумий тавсифини тақдимот кўринишида намойиш этиш. Халқаро рейтинглар ва индекслар мезонларини таҳлил қилиш. Сўнгги йилларда иқтисодий эркинлик индекси (Index of economic freedom), Глобал рақобатбардошлик индекси (The Global Competitiveness Index), Бизнес юритиш (Doing business), Ҳуқуқ устуворлиги индекси (The Rule of law index)да Ўзбекистоннинг ўрнини қиёсий-танқидий ўрганиш

7-мавзу. Пандемия ва фавқулотда шароитларда бизнес, тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш

Фавқулотда шароитларда бизнесни ҳуқуқий тартибга солишнинг халқаро ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш. Фавқулотда вазиятда бизнес субъектларига нисбатан давлат томонидан жорий этиладиган чекловларга оид материалларни излаш. Фавқулотда шароитларни бизнес партнёрлар ўртасидаги муносабатларга таъсири, форс-мажор ҳолатларни ўрганиш.

КЎЧМА МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

Тадбиркорлик ва бизнесга оид халқаро рейтинглар ва индекслар умумий тавсифини тақдимот кўринишида намойиш этиш. Халқаро рейтинглар ва индекслар мезонларини таҳлил қилиш. Сўнгги йилларда иқтисодий эркинлик индекси (Index of economic freedom), Глобал рақобатбардошлик индекси (The Global Competitiveness Index), Бизнес

юретиш (Doing business), Хукук устуворлиги индекси (The Rule of law index)да Ўзбекистоннинг ўрнини қиёсий-танқидий ўрганиш. Фавқулотда шароитларда бизнесни ҳуқуқий тартибга солишнинг халқаро ҳуқуқий асослари. Фавқулотда вазиятда бизнес субъектларига нисбатан давлат томонидан жорий этиладиган чекловлар. Фавқулотда шароитларни бизнес партнёрлар ўртасидаги муносабатларга таъсири, форс-мажор ҳолатлар кўчма машғулотнинг мазмунини ташкил этади.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Қуйидаги шаклларда таълим бериш кўзда тутилган:

- бинар маъруза, бит дарс, дебатлар, вебинар;
- On-line маъруза;
- тренинг, видеотренинг;
- кичик маърузалар ва суҳбатлар (диққатни жамлаш ва ахборотни қабул қилиш қобилиятини шакллантиради);
- кластер, синквейн (ахборот ёки бирон-бир тушунчани қисқа баёнини тузиш кўникмани шакллантиради);
- кичик гуруҳларда ишлаш, бумеранг (материални мантиқан тизимли, муаммоли баён этишни ривожлантиради);
- блиц ўйин, қора кути (аниқ муаммоли вазиятни таҳлил қилиш, камчиликлар сабабини йўл-йўлакай аниқлашга йўналтирилади).

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Рахбарий адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. 592 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, хаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. 400 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси//<https://www.prezident.uz/uz/lists/view/3324>.

II. Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // www.lex.uz.
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // www.lex.uz.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 6 январдаги “Рақобат тўғрисида”ги Қонуни // <https://lex.uz/docs/1931443>.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майдаги “Тадбиркорлик фаоляти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни // <https://lex.uz/docs/2006789>.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 25 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4210-сон қарори // <https://lex.uz/docs/4215422>.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида фуқаролик қонун ҳужжатларини такомиллаштириш чоралари тўғрисида”ги Ф-5464-сон Фармойиши // lex.uz.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 февралдаги “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Қонуни // <https://www.lex.uz/docs/4737511>.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида”ги ПФ-6003-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/4838762>.

III. Махсус адабиётлар

1. Fuqarolik huquqi: Darslik. I qism / Mualliflar jamoasi. Prof. O.Oqyulovning umumiy tahriri ostida. – Toshkent: TDYU, 2016. 312 b.
2. Имомов Н. Юридик шахс моҳиятининг фуқаролик-ҳуқуқий талқини

(назарий масалалар). – Тошкент: ТДЮУ, 2017. 150 б.

3. Тадбиркорлик (Бизнес ҳуқуқи). Маъсул муҳаррир Ҳ.Азизов. – Тошкент:ТДЮУ, 2018. 238 б.

4. Fuqarolik huquqi: Darslik. II qism / Mualliflar jamoasi. – Toshkent: TDYU nashriyoti, 2019. 684 b.

IV. Хорижий адабиётлар

1. Catherine Elliott & Frances Quinn. Contract law. Longman (2011). (Elliott & Quinn series).

2. Cees van Dam. European tort law. Oxford University Press (2013) Second Edition published in 2013.

V. Электрон таълим ресурслари

1. <http://www.tsul.uz>.
2. <http://www.gov.uz>.
3. <http://www.lex.uz>.
4. <http://www.minjust.uz>.
5. <http://www.sud.uz>.
6. <https://www.nrm.uz>.

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Материални оғзаки баён қилиш методи

Тингловчилар томонидан билимларни ўзлаштириш ўқитувчининг тушунтиришини фаол қабул қилиш ва пухта ўйлаш эвазига амалга оширилади. Билимларни узатиш воситаси сифатида ўқитувчи нутқи муҳим аҳамиятга эга. Бу ўринда ўқитувчининг тингловчилар фаолиятига раҳбарлиги мавзунини қўйиш, режани эълон қилиш, тингловчилар фаолиятини бошқаришдан иборат бўлади.

Сухбат методи

Тингловчилар томонидан билимларни ўзлаштириш жараёни: улар эътиборига ҳавола этилаётган саволнинг моҳиятини англаш, мавжуд билимлар ва тажрибани сафарбар қилиш, саволга оид объектларни ўзаро таққослаш, пухта ўйлаш ва саволларга тўғри жавоб тайёрлашдан иборат. Ўқитувчининг раҳбарлиги: мавзунини қўйиш, саволларни ифодалаш, берилган жавобларни тузатиш, тўлдириш ва умумлаштириш каби ҳолатларда намоён бўлади. Сухбат методи ёрдамида билимларни ўзлаштиришда тингловчилар мавжуд билимлари ва тажрибаларига таянадилар

“SWOT-таҳлил” методи


Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

| | |
|--------------------------|--------------------------|
| S – (strength) | • КУЧЛИ томонлари |
| W – (weakness) | • занф, кучсиз томонлари |
| O – (opportunity) | • имкониятлари |
| T – (threat) | • тўсиқлар |



“Хулосалаш” (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар муаммоли характердаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айти пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда тингловчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлил қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.



“Кейс-стади” методи

“Кейс-стади” - инглизча сўз бўлиб, (“case” – аниқ вазият, ҳодиса, “stadi” – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натига (What).



“Кейс методи”ни амалга ошириш босқичлари

| Иш босқичлари | Фаолият шакли ва мазмуни |
|---|---|
| 1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш | <ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш |
| 2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш | <ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш |
| 3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш | <ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш |
| 4-босқич: Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот. | <ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш |

“ФСМУ” методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур

технологиядан маъруза машғулотида, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулоти натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозлар тарқатилади:

| | |
|---|---|
| Ф | • фикрингизни баён этинг |
| С | • фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг |
| М | • кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг |
| У | • фикрингизни умумлаштиринг |

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдирот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

“Инсерт” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотида қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмунини

ёритилган инпут-матнни таркатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;

- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намоёиш этилади;

- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалядилар. Матн билан ишлашда тингловчилар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

| Белгилар | 1- матн | 2- матн | 3- матн |
|---|------------|------------|------------|
| “V” – таниш маълумот. | | | |
| “?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак. | | | |
| “+” бу маълумот мен учун янгилик. | | | |
| “– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман? | | | |

Белгиланган вақт якунлангач, тингловчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод тингловчилар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қодалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган таркатмалар берилади (индивидуал ёки

гуруҳли тартибда);

- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;

- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;

- ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

“Блиц-ўйин” методи

Методнинг мақсади: тингловчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги “якка баҳо” колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини “гуруҳ баҳоси” бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва тингловчилардан бу жавобларни “тўғри жавоб” бўлимига ёзиш сўралади.

4. “Тўғри жавоб” бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса “0”, мос келса “1”

балл қуйиш сўралади. Шундан сўнг “якка хато” бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда “тўғри жавоб” ва “гуруҳ баҳоси” ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар “гуруҳ хатоси” бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.


7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

“Мунозара” методи

Таълим тизимида тизимларда нутқ ўқитиш, ўз фикрини мустақил ва асосли баён қилиб, хулосалар чиқариш воситаси сифатида ғоя муҳим ўрин эгаллайди. Бу бажариладиган ишнинг бир тури бўлиб, ўзаро тортишиш жараёнини келтириб чиқаради ва унга аниқлик киритади. Тингловчилар томонидан “ўз сўзи” ўзига хос услуб асосида изчил, савол фикр юритилади.

Мунозара вақтида тингловчилар ўзларига ишонган ҳолда саволларни мунозара қилишади. Мунозара учун шундай шароит яратиши керакки, унда тингловчилар ўз фикрларини ишонч билан очик айтиш, камчиликлари учун айбга қўймасликларига ишонган ҳолда баён этишлари лозим.

Масалан: Маъмурий ихтиёрийлик маъмурий ҳужжат қабул қилишга қандай таъсирқилади?



“Пинборд” методи

Пинборд инглизчадан: pin – мустаҳкамлаш, board –доска маъносини билдиради. Бу усулда мунозара ёки суҳбат амалий усул би-лан боғланиб кетади. Метод мақсади ривожлантирувчи ва тарбияловчи вази-фасини бажариш. Бунда тингловчиларда мулоқот юритиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади, ўз фикрини нафақат оғзаки, балки ёзма ра-вишда баён этиш маҳорати, мушоҳада қилиш ва тизимли фикр юритиш кўникмаси ривожланади.

“Портфолио” методи

“Портфолио” – (итал. portfolio – портфель, ингл.хужжатлар учун пап-ка) таълимий ва касбий фаолият натижаларини аутентик баҳолашга хизмат қилувчи замонавий таълим технологияларидан ҳисобланади. Портфолио мутахассиснинг сараланган ўқув-методик ишлари, касбий ютуқлари йиғиндиси сифатида акс этади. Жумладан, тингловчи ёки тингловчиларнинг модул юзасидан ўзлаштириш натижасини электрон портфолиолар орқали текши-риш мумкин бўлади. Олий таълим муассасаларида портфолионинг қуйидаги турлари мавжуд:

| Фаолият тури | Иш шакли | |
|-------------------|--|--|
| | Индивидуал | Гуруҳий |
| Таълимий фаолият | Тингловчилар портфолиоси, битирувчи, докторант, тингловчи портфолиоси ва бошқ. | Тингловчилар гуруҳи, тинглов-чилар гуруҳи портфолиоси ва бошқ. |
| Педагогик фаолият | Ўқитувчи портфолиоси, раҳбар ходим портфолиоси | Кафедра, факультет, марказ, ОТМ портфолиоси ва бошқ. |

Муаммоли метод

Муаммоли методнинг моҳияти машғулотлар жараёнида муаммоли вазиятларни яратиш ва ечишдан иборат бўлиб, унинг асосида дидактик зиддиятлар ётади. Зиддиятларни бартараф этиш нафақат илмий билиш йўли шу билан бирга ўқув йўли ҳамдир.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1. Хусусий ҳуқуқ тизимида фуқаролик ҳуқуқи ва бизнес ҳуқуқининг ўрнини аниқлаш

Режа:

1. Хусусий ҳуқуқ тушунчаси ва унда фуқаролик ҳуқуқининг ўрни.
2. Хусусий ҳуқуқ тизимида бизнес ҳуқуқининг ўрни.

Таянч иборалар: *хусусий ҳуқуқ, фуқаролик ҳуқуқи, бизнес ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи предмети, бизнес ҳуқуқи предмети*

Дарс машғулотларини қуйидаги маълумотлар асосида ўтиши тавсия этилади. Педагогик технология нуқтаи назардан қуйидагилар қамраб олади:

1. *Дарс машғулотини учун манбалар излашда таяниши лозим бўлган маълумотлар;*
2. *Маъруза машғулотига тайёргарлик кўришда таяниши лозим бўлган материаллар*

1. Хусусий ҳуқуқ тушунчаси ва унда фуқаролик ҳуқуқининг ўрни

Хусусий ҳуқуқ — умумий манфаатларни тартибга солувчи ва ҳимоя қилувчи оммавий ҳуқуқдан фарқли равишда шахсий манфаатлар, шахсий муносабатлар ва мулкӣ фаолиятда фуқаролар ва юридик шахсларнинг мустақиллиги ва ташаббускорлигини тартибга солувчи ҳуқуқ соҳалари йиғиндисини англатувчи тушунча. Хусусий ҳуқуқ ядросини мулкӣ ва у билан боғлиқ шахсий номулкӣ муносабатларни тартибга солувчи фуқаролик ҳуқуқи, шунингдек савдо ҳуқуқи (у амал қиладиган давлатларда) ташкил этади. Хусусий ҳуқуқ — бу соҳалар мажмуи — амал қиладиган ҳуқуқнинг таркиби қисми. Хусусий ҳуқуқ фуқаролар ва юридик шахслар ўртасидаги мулкӣ ва шахсий номулкӣ муносабатларни тартибга солади. Хусусий-ҳуқуқий муносабатлар бир қатор муҳим белгилари билан ажралиб туради. Биринчидан, бундай муносабатлар улар иштирокчилари хоҳиш-иродасига мувофиқ вужудга келади. Масалан, олди-сотди шартномаси фақат тарафларнинг икки томонлама эркин ҳаракатларига кўра юридик

кучга эга бўлади. Иккинчидан, хусусий-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларнинг юридик тенглигига асосланган. Учинчидан, бундай муносабатлар горизонтал характерга эга, яъни улар бевосита давлат ҳокимияти органлари ва уларнинг бўйсунувига боғлиқ эмас.

Фуқаролик ҳуқуқи китъа ҳуқуқ тизимида алоҳида ва мустақил ҳуқуқ соҳаси бўлиб, аъанавий тарзда иштирокчиларнинг тенглигига асосланадиган ҳамда мулкӣ ва шахсий номулкӣ муносабат деб аталадиган шартли гуруҳларга жамланган ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни назарда тутди.

Фуқаролик ҳуқуқининг ҳуқуқ соҳаси сифатида функциясида ҳам асосий ва бош ўринни ҳуқуқий тартибга солиш эгаллайди. Шу билан бирга фуқаролик ҳуқуқининг функцияси сифатида мутахассислар бир қатор жиҳатларни санаб ўтадилар. Масалан, Беларуслик мутахассислар фуқаролик ҳуқуқининг қуйидаги функцияларини санаб ўтишади:

- тартибга солиш – фуқаролик ҳуқуқининг нормал амал қилаётган муносабатлар тарафларига ҳуқуқ ва мажбуриятлар юклаш йўли билан таъсирини таъминлайди;

- муҳофаза қилувчи – фуқаролик-ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг қонуний ҳуқуқлари бузилиши натижасида етказилган зарар коплашини, шунингдек фуқаролар ва ташкилотларнинг бузилган шахсий номулкӣ ҳуқуқларини тиклашни таъминлайди;

- ахлоқий-тарбиявий функция иштирокчиларининг қонунчиликка риоя этишлари ва фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар бузмасликларига, жамиятнинг маънавий принципларини хурмат қилишларига ундайди.

Айрим мутахассислар фуқаролик ҳуқуқи бу фақат давлатнинг эркини ифодаладиган қонун ҳужжатлари орқали ижтимоий муносабатларни тартибга солишдан иборат эмас. Бунда шахсларнинг муайян ижтимоий муносабатларни ўзлари тартибга солиш ҳамда шартномалар эркинлигини назарда тутиш зарур. Фуқаролик ҳуқуқи субъектларининг ўзлари иштирок этаётган ижтимоий муносабатларни ўзлари тартибга солишлари хусусий

хуқуқнинг мажбурий жиҳати бўлиб, айти пайтда у тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятларини, хусусий хуқуқнинг методлари ва тамойилларини тўлиқ ифодалаш имконини беради.

Фикримизча, фуқаролик хуқуқининг функцияси нафақат тартибга солиш ва муҳофаза қилиш, балки хуқуқий ҳолат ва муайян хулқ-атвор қоидаларини ҳамда хуқуқий тартиботни белгилашни ҳам қамраб олади. Бу ўринда “хуқуқий қоидаларни белгилаш” функцияси хусусида шуни айтиш лозимки, бозор муносабатлари шароитида фуқаролик хуқуқининг мазкур функцияси ижтимоий муносабатларни фақат давлат томонидан қабул қилинган қонун нормалари орқали тартибга солиш доктринаси устувор бўлган собиқ иттифок давридаги тубдан фарқ қилишига ҳамда иштирокчиларига кенг эркинлик ва имтиёз берилиши ҳамда фуқаролик хуқуқининг диспозитив йўналтирилганлигига асосланади. Фуқаролик хуқуқининг “хуқуқий қоидаларни белгилаш” функцияси субъектлар учун ўхшатиш мумкин бўлса “мўлжал” вазифасини ўтайди ва улар муайян вазиятда ўзларини қандай тутиш лозимлигини, ижтимоий муносабатларда ҳаракатланишлари учун қандай имкониятлар мавжудлигини билиб олиш имкониятига эга бўлишади. Масалан, ФКнинг 18-моддаси биринчи қисмида фуқаролар эга бўлиши мумкин бўлган хуқуқлар доираси санаб кўрсатилиб, унинг иккинчи қисмида фуқаролар бошқа мулкӣ ва шахсий номулкӣ хуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкинлиги белгиланган. Мазкур норма фуқаролик хуқуқининг тартибга солиш ёки муҳофаза қилиш функцияларига мос келмайди. Чунки, унинг мазмунида аниқ қоида назарда тутилмаган ва гап қандай хуқуқлар ҳақида кетаётганлиги ҳам мавҳум. Шу сабабли ФКнинг 18-моддаси иккинчи қисмини фақат “хуқуқий қоидаини белгилаш” функциясига мос деб ҳисоблаш мумкин. Бинобарин, келажакда фуқаронинг яна қандай хуқуқларига эга бўлиш олдиндан номаълум, лекин унинг муайян хуқуқларга эга бўлиши чекланмайди.

Ижтимоий муносабатларни фуқаролик-хуқуқий тартибга солиш воситаси сифатида норматив-хуқуқий ҳужжатлар, иш муомаласи одатлари,

махаллий урф-одатлар, шартномалар эътироф этилади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 2-моддаси биринчи қисмида фуқаролик қонун ҳужжатлари нимани белгилаши ва нимани тартибга солиши назарда тутилган. Унинг мазмунидан англашилишича, фуқаролик қонун ҳужжатлари:

1) фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг ҳуқуқий ҳолатини, мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг, интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқларнинг вужудга келиш асосларини ҳамда уларни амалга ошириш тартибини белгилайди;

2) шартнома мажбуриятлари ва ўзга мажбуриятларни, шунингдек бошқа мулкӣ ҳамда у билан боғлиқ шахсий номулкий муносабатларни тартибга солади.

2. Хусусий ҳуқуқ тизимида бизнес ҳуқуқининг ўрни

Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ муносабатларни давлатнинг ваколатли органлари томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тартибга солинишини Тадбиркорлик ҳуқуқи фани ўрганайди. Мисол учун, фуқаро бир ўзи таъсисчилигида масъулияти чекланган жамият ташкил қилиб, болалар ички кийимлари ишлаб чиқариш мақсадида банкдан кредит олиб, чет элдан тикиш ускуналарини хорижий валютада харид қилди ва ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлади. Демак, тадбиркорлик ҳуқуқи ўзига хос муайян муносабатларни ҳуқуқий тартибга солувчи ҳуқуқ соҳасими? Унда, тадбиркорлик ҳуқуқининг ҳуқуқ тизимида тутган ўрнига тўхталиб ўтайлик. Тадбиркорлик ҳуқуқи ҳам бошқа ҳуқуқ соҳалари каби биринчидан, ҳуқуқнинг мустақил соҳаси; иккинчидан, қонунчилик тармоғи; учинчидан, фан соҳаси; тўртинчидан, ўқув предмети ҳисобланади. Тадбиркорлик ҳуқуқи – ҳуқуқ тармоғи сифатида тадбиркорлик субъектларининг иқтисодиёт соҳасидаги фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқ нормалари йиғиндисидан иборат. Мисол тариқасида, “Иқтисодий фаолият” термини Ўзбекистон Республикаси

Конституциясининг 53-моддасида, шунингдек “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 18-моддасида қўлланилган.

Бизнес (тадбиркорлик) ҳуқуқининг предметини тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий, ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизмат кўрсатиш, субъектнинг ички тузилмалари ўртасидаги, давлатнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига умумий раҳбарлиги билан боғлиқ муносабатлар ташкил этади. Тадбиркорлик ҳуқуқининг бошқа ҳуқуқ соҳаларидан, жумладан фуқаролик, маъмурий, молия, меҳнат ва бошқа ҳуқуқ соҳалари билан фарқланади. Аввало, фуқаролик ҳуқуқи фани мулкӣ муносабатларни ҳамда мулкӣ характерда бўлмаган шахсий муносабатларни тартибга солиш ва мустаҳкамлашга қаратилган, тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқи эса тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги вертикал ва горизонтал, бозор шароитида давлатнинг иқтисодга раҳбарлик қилиш муносабатларини тартибга солишга қаратилган. Тадбиркорлик ҳуқуқи субъектлар ўртасидаги тадбиркорлик муносабатларини тартибга солса, меҳнат ҳуқуқи эса иш берувчи билан ходимларнинг меҳнат шартномаси асосида муносабатларини, ички тартиб қоидаларини, иш режимини ва шунга ўхшаш меҳнат шартномаси билан боғлиқ бошқа муносабатларни тартибга солади. Маъмурий ҳуқуқнинг предмети маъмуриятнинг буйруқ ҳамда ижро фаолияти билан, яъни ҳокимият ва итотат этиш, бир-бирига бўйсунуш соҳасидаги фаолият билан боғлиқ муносабатдир. Бундай муносабат итотат этувчи қуйи органларга ва мансабдор шахсларга ўз директивалари орқали таъсир этиш, бошқариш, идора этиш каби ҳокимиятни амалга ошириш билан изоҳланади. Тадбиркорлик муносабатларида эса маъмурий бўйсунуш фаолиятлари кам учрайди. Мисол учун, тадбиркорлик субъектлари фаолиятида давлатнинг умумий раҳбарлиги, яъни давлат назорати, солиқлар билан таъсир этиш, тадбиркорлик субъектларининг ўзаро ички тузилмалари ўртасидаги муносабатлар.

Молия ҳуқуқининг предмети молия бюджети кирим-чиқими (давлат даромадини сарфлаш ва ташкил этиш давлат режаси) билан боғлиқ муносабатлар ташкил этса, корхона ва тадбиркорларнинг даромад манбайини тартибга солиш ва улардан қайта ишлаб чиқариш муомаласида фойдаланиш кабилар бизнес (тадбиркорлик) ҳуқуқининг предмети ташкил этади.

Бизнес (тадбиркорлик) ҳуқуқининг асосий принциплари Барча ҳуқуқ соҳалари каби тадбиркорлик ҳуқуқининг ҳам асосий ва энг муҳим принциплари Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган асосий қоидалардир. Ушбу тадбиркорлик ҳуқуқига оид асосий принциплар республикамизда бозор муносабатларининг ривожланишида барча тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолиятини маълум бир мақсад сари йўналтириб, ҳуқуқий тартибга солиб туради.

Назорат саволлари:

1. Хусусий ҳуқуқ тушунчаси ва у билан тартибга солинадиган муносабатларни тавсифланг.
2. Фуқаролик ҳуқуқининг умумий тавсифини келтиринг.
3. Фуқаролик ҳуқуқи қандай муносабатларни тартибга солади?
4. Хусусий ҳуқуқ тизимида бизнес ҳуқуқининг ўрнига изох беринг?

2. Тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахслар ташкилий-ҳуқуқий шакллари конструкцияларини таҳлил қилиш

Режа:

1. Ўзбекистон қонунчилиги бўйича тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахслар ташкилий-ҳуқуқий шакллари таҳлили.

2. Янги Фуқаролик кодексида янги ташкилий-ҳуқуқий шакллар конструкцияларини кўпайтириш ва кам тузиладиган ташкилий-ҳуқуқий шаклларни оптималлаштириш масалалари.

Таянч иборалар: *юридик шахс тушунчаси, ташкилий-ҳуқуқий шакл тушунчаси, хўжалик жамиятлари, хўжалик ширкатлари, оилавий корхона, хусусий корхона.*

Дарс маишулотларини қўидаги маълумотлар асосида ўтиши тавсия этилади. Педагогик технология нуқтаи назардан қўидагилар қамраб олади:

1. *Тижоратчи юридик шахслар турлари фарқини ақс эттирувчи саволлар тузиши;*

2. *МДХ мамлакатлари Фуқаролик кодексларини бўйича тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахслар ташкилий-ҳуқуқий шакллари ҳақида тақдимот тайёрлаш.*

3. *Янги Фуқаролик кодексидадаги юридик шахслар ташкилий-ҳуқуқий шакллари ҳақида қиёсий жадвал тайёрлаш.*

1. Ўзбекистон қонунчилиги бўйича тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахслар ташкилий-ҳуқуқий шакллари таҳлили

Амалдаги Фуқаролик кодексида юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шакли тушунчаси таъриф берилмаган. Бироқ бир қатор ташкилий-ҳуқуқий шакллар конструкциялари келтириб ўтилган.

ФКнинг 39-моддасига кўра, ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулккий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади.

Юридик шахслар мустақил баланс ёки сметага эга бўлишлари керак.

Фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган (тижоратчи ташкилот) ёки фойда олишни ана шундай мақсад қилиб олмаган ташкилот (тижоратчи бўлмаган ташкилот) юридик шахс бўлиши мумкин.

Тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахс хўжалик ширкати ва жамияти, ишлаб чиқариш кооперативи, унитар корхона ва қонунларда назарда тутилган бошқача шаклда тузилиши мумкин.

Улушларга (қўшилган ҳиссаларга) ёки муассисларнинг (иштирокчиларнинг) акцияларига бўлинган устав фонди (устав капитали)га эга бўлган тижоратчи ташкилотлар хўжалик ширкатлари ва жамиятлари ҳисобланади. Муассислар (иштирокчилар) қўшган ҳиссалар ёки улар сотиб олган акциялар ҳисобига вужудга келтирилган, шунингдек хўжалик ширкати ёки жамияти ўз фаолияти жараёнида ишлаб чиқарган ва сотиб олган мол-мулк мулк ҳуқуқи асосида унга тегишлидир.

Хўжалик ширкатлари ва жамиятлари тўлиқ ширкат, коммандит ширкат, масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамият, акциядорлик жамияти шаклида тузилиши мумкин.

ФКнинг 60-моддасига асосан, иштирокчилари ўз ўрталарида тузилган шартномага мувофиқ ширкат номидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган ҳамда унинг мажбуриятлари бўйича ўзларига қаршли бутун мол-мулк билан жавоб берадиган ширкат тўлиқ ширкат ҳисобланади.

Шахс фақат битта тўлиқ ширкатнинг иштирокчиси бўлиши мумкин.

ФКнинг 61-моддасига асосан, ширкат номидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган ҳамда ширкатнинг мажбуриятлари бўйича ўзларининг бутун мол-мулклари билан жавоб берадиган иштирокчилар (тўлиқ шериклар) билан бир қаторда ширкат фаолияти билан боғлиқ зарар учун ўзлари қўшган ҳиссалар доирасида жавобгар бўладиган ҳамда ширкат томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда қатнашмайдиган бир ёки бир неча иштирокчи (ҳисса қўшувчи, коммандитчи) мавжуд бўлса, бундай ширкат коммандит ширкат ҳисобланади.

Коммандит ширкатда қатнашаётган тўлиқ шерикларнинг ҳуқуқлари ва уларнинг ширкат мажбуриятлари бўйича жавобгарлиги ушбу Кодекснинг қоидалари билан белгиланади.

Шахс фақат битта коммандит ширкатда тўлиқ шерик бўлиши мумкин.

Тўлиқ ширкат иштирокчиси коммандит ширкатда тўлиқ шерик бўла олмайди.

Коммандит ширкатдаги тўлиқ шерик ўша ширкатнинг ўзида ҳисса қўшувчи ва бошқа тўлиқ ширкатда иштирокчи бўлиши мумкин эмас.

Масъулияти чекланган жамият деб бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди (устав капитали) таъсис ҳужжатлари билан

белгилаб кўйилган миқдорлардаги улушларга бўлинган жамият тан олинади. Масъулияти чекланган жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарар учун ўзлари қўшган ҳиссалар қиймати доирасида жавобгар бўладилар.

Жамиятнинг ўз ҳиссасини тўла қўшмаган иштирокчилари жамият мажбуриятлари бўйича ҳар бир иштирокчи ҳиссасининг тўланмаган қисмининг қиймати доирасида солидар жавобгар бўладилар.

Бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди таъсис ҳужжатларида белгиланган миқдорлардаги улушларга бўлинган жамият қўшимча масъулиятли жамият ҳисобланади. Бундай жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича ўз мол-мулклари билан қўшган ҳиссалари қийматига нисбатан ҳамма учун бир хил бўлган, жамиятнинг таъсис ҳужжатларида белгиланадиган қаррали миқдорда солидар тарзда субсидиар жавобгар бўладилар. Иштирокчилардан бири ночор (банкрот) бўлиб қолганида унинг жамият мажбуриятлари бўйича жавобгарлиги, агар жамиятнинг таъсис ҳужжатларида жавобгарликни тақсимлашнинг бошқача тартиби назарда тутилган бўлмаса, бошқа иштирокчилар ўртасида уларнинг қўшган ҳиссаларига мутаносиб равишда тақсимланади.

ФКнинг 64-моддасига асосан, устав фонди муайян акциялар сонига бўлинган жамият акциядорлик жамияти ҳисобланади; акциядорлик жамиятининг иштирокчилари (акциядорлар) унинг мажбуриятлари бўйича жавоб берайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарар учун ўзларига қарашли акциялар қиймати доирасида жавобгар бўладилар.

Акциялар ҳақини батамом тўламаган акциядорлар акциядорлик жамиятининг мажбуриятлари бўйича ўзларига қарашли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўладилар.

Акциядорлик жамиятининг фирма номида жамиятнинг номи ҳамда бу жамият акциядорлик жамияти эканлиги ўз ифодасини топиши керак.

ФКнинг 67-моддасига кўра, агар бир (асосий) хўжалик жамияти ёки ширкати иккинчи хўжалик жамиятининг устав фондида ундан устунлик мавқеига эга бўлган ҳолда иштирок этиши туфайли ёхуд улар ўртасида тузилган шартномага мувофиқ ё бўлмаса бошқача тарзда иккинчи хўжалик жамияти томонидан қабул қилинадиган қарорларни белгилаб бериш имконига эга бўлса, ушбу иккинчи хўжалик жамияти шўба хўжалик жамияти ҳисобланади.

ФКнинг 68-моддасига мувофиқ, хўжалик жамиятида иштирок этувчи бошқа жамият хўжалик жамиятига қарашли овоз берадиган акцияларнинг

(улушнинг) йигирма фоиздан кўпроғига эга бўлса, бундай хўжалик жамияти қарам жамият деб ҳисобланади.

Қарам хўжалик жамияти юридик шахс ҳисобланади.

Фуқароларнинг шахсий иштирок этиш ҳамда аъзоларнинг (иштирокчиларнинг) мулк билан қўшиладиган пай бадалларини бирлаштириш асосида биргаликда ишлаб чиқариш ёки бошқа хўжалик фаолиятини олиб бориш учун аъзолик негизидаги ихтиёрий бирлашмаси ишлаб чиқариш кооперативи ҳисобланади. Қонунда ва ишлаб чиқариш кооперативининг таъсис ҳужжатларида унинг фаолиятида аъзолик асосида юридик шахслар ҳам иштирок этиши назарда тутилиши мумкин.

Ишлаб чиқариш кооперативининг аъзолари кооперативнинг мажбуриятлари бўйича қонунда ва кооператив уставида назарда тутилган миқдорларда ва тартибда субсидиялар жавобгар бўладилар.

Фуқаролик кодексининг 70-моддасига мувофиқ, ўзига бириктириб қўйилган мол-мулкка нисбатан мулкдор томонидан мулк ҳуқуқи берилмаган тижоратчи ташкилот унитар корхона ҳисобланади.

Унитар корхонанинг мол-мулки бўлинмасдир ва у қўшилган ҳиссалар (улушлар, пайлар) бўйича, шу жумладан корхона ходимлари ўртасида ҳам, тақсимланиши мумкин эмас.

Унитар корхонанинг уставида Фуқаролик Кодексининг 43-моддасининг тўртинчи ва бешинчи қисмларида кўрсатилган маълумотлардан ташқари корхона устав фондининг миқдори тўғрисидаги, уни ташкил этиш тартиби ва манбалари тўғрисидаги маълумотлар бўлиши керак.

Унитар корхонанинг мол-мулки унга хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи асосида тегишлидир.

Фуқаролик кодексида назарда тутилмаган бўлса-да, хусусий корхона ва оилавий корхона каби ташкилий-ҳуқуқий шакллар қонунларда назарда тутилган.

2. Янги Фуқаролик кодексида янги ташкилий-ҳуқуқий шакллар конструкцияларини қўпайтириш ва кам тузиладиган ташкилий-ҳуқуқий шаклларни оптималлаштириш масалалари

Янги Фуқаролик кодекси лойиҳасида концептуал жиҳатдан яна бир нотўғри ёндашув юридик шахслар рўйхатининг ёпиқ қилиб қўйилганидир. Бунда энг баҳсли масала рўйхатнинг тижорат юридик шахс лари, хўжалик жамиятлари ва ширкатлари, ишлаб чиқариш кооперативлари доирасида чеклаб қўйилганидир. Цивилист олимларнинг кўпчилиги бундан таажжубга

тушмоқда. Мамлакатимиз иқтисодиётида катта юкни кўтариб турган хусусий корхоналар, оилавий корхоналар, фермер хўжаликлари, дехқон хўжаликларини тугатиш ва уларни МЧЖга айлантириш (чунки кўшимча масъулиятли жамият иштирокчилари бир-бирлари учун ҳам солидар, субсидиар жавобгар бўлиши кўпчиликни бундай юридик шахсни ташкил этишдан чўчитади) тушунарсиз ҳол. Иқтисодий тизимда тижорий юридик шахсларни қайта ташкил этишлар изига тушгунча уч-тўрт йил ўтади. Бу эса уларнинг фаолиятини самарали амалга оширишга, уларни бошқаришга салбий таъсир кўрсатади.

Ўзбек хусусий ҳуқуқида юридик шахслар ташкилий-ҳуқуқий шакллари, айниқса тижоратчи юридик шахслар шакллари бозор муносабатлари ривожланиши билан такомиллашиб бориши лозим.

Айни вақтда фуқаролик қонунчилиги тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда капитал ва шахсларни бирлаштирувчи асосий ушбу шаклларни таклиф этади:

I. Корпоратив ташкилий-ҳуқуқий шакллар

1. Хўжалик жамиятлари – акциядорлик ва масъулияти чекланган жамиятлари. Улар шахсларнинг капиталини бирлаштириб, қулай бошқарув механизмига эга. Иштирокчилар жавобгарлиги чекланган.

Мазкур юридик шахслар (корпорация), айниқса МЧЖ шакли тадбиркорлик фаолиятида энг кенг тарқалган.

2. Хўжалик ширкатлари (тўлиқ ва коммандит ширкат) – иштирокчиларнинг ўзи ва улар капиталини бирлаштирувчи корпорациялар. Бунда иштирокчилар (тўлиқ шериклар) ширкат мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик оладилар. Тижоратчи юридик шахс ёки яқка тартибдаги тадбиркорлар тўлиқ иштирокчиси бўла олади.

Коммандит шерик, яъни ширкат мажбуриятлари бўйича фақатгина ўзи киритган ҳиссалари доирасида жавобгар бўладиган иштирокчи мавжуд бўлса бундай ширкат коммандит ширкат деб аталади.

3. Ишлаб чиқариш ва истеъмол кооперативлари, оилавий корхона.

II. Унитар ташкилий-ҳуқуқий шакллар.

Хусусий корхона, фермер хўжалиги, унитар корхона – булар фақатгина ягона шахс (ягона жисмоний шахс – мулкдор таъсис этса хусусий корхона, юридик шахс ташкил этса – унитар корхона, қишлоқ хўжалиги

махсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида ягона жисмоний шахс томонидан белгиланган тартибда ташкил этилса – фермер хўжалиги). Ушбу юридик шахс шакллари унитар ташкилий-ҳуқуқий шакллардир. Яъни улар бир неча шахслар капиталини бирлаштириш имконини бермайди. Айримлари (ФХ, ХК) ўз моҳиятига кўра ривожланган ҳуқуқ-тартиботлардаги яқка тартибдаги тадбиркор шаклини такрорлайди, бироқ юридик шахсият уларга таъбиқ этилади.

III. Фуқаролик қонунчилигини такомиллаштиришда кўриб чиқилиши тавсия этилаётган ташкилий-ҳуқуқий шакллар: ривожланган ҳуқуқ-тартиботлар корпорациялари шакллари

1. **Хўжалик ширкатларини ислоҳ қилиш**, улар иштирокчиларини 2 марта солиқ тўлашини бартараф этиш. Бу эса ширкатларни юридик шахс лаёқатидан маҳрум қилишни назарда тутди. Германия, Италия, Нидерландияда, шунингдек инглиз ҳуқуқ-тартиботларида ширкатлар (инглиз ҳуқуқидаги partnership) юридик шахс ҳисобланмайди, лекин тадбиркорлик фаолияти субъекти сифатида иштирок этади (бу ушбу мамлакатларда тарихан савдо ҳуқуқи шакллангани билан боғлиқ). Бу эса уларнинг юридик шахс сифатида корпоратив солиқ тўловчиси бўлишдан сақлайди.

Натижада ушбу энг кенг тарқалган тадбиркорлик фаолияти шакли биргаликдаги инвестиция ва тадбиркорлик фаолияти учун қулай бўлади ва ривожланади. Ҳозирда хўжалик ширкатлари сони 186 тани ташкил этмоқда.

2. **Акциядорлик коммандитаси шаклини киритиш**. Бу Германия, Франция каби ҳуқуқ-тартиботларда кенг тарқалган шакл бўлиб, коммандит ширкат ва акциядорлик жамияти қоришмаси ҳисобланади. Бу асосий акциядорнинг (тўлиқ шерик) чекланмаган жавобгарлиги остида (бу табиийки фуқаролик муомаласи иштирокчилари учун фойдали, кредиторлар манфаатларига хизмат қилади чекланмаган жавобгарлик) коммандит шерикларнинг инвестицияларини жалб қилиш имкониятини яратади. Бундан ширкат акциялар шаклида коммандит инвесторлар жалб қила олади.

3. **Жавобгарлиги чекланган компания – Limited liability company LLC.**

Ушбу шакл инглиз ҳуқуқи, айниқса АҚШ ҳуқуқида жуда кенг қўлланади. Ушбу компания ширкат partnership ва корпорация (биздаги хўжалик жамияти) қоришмаси бўлиб, инглиз ҳуқуқида юридик шахс ҳисобланмайди (яъни, ушбу ҳуқуқ бўйича корпорация ҳисобланмайди). Натижада компания корпоратив солиқ тўламайди (мустакил юридик шахс

сифатида мутлақо солиққа тортилмайди), фақатгина унинг иштирокчилари ўз фойдаларини олишда тегишли фойда ёки даромад солиғига тортилади (pass-through tax).

Лекин бунда Россия Федерациясида йўл қўйилган хатони такрорламаслик лозим. РФ айн ушбу ташкилий-ҳуқуқий шаклни рецeпция қилишда айрим ўзига хос ўзгаришлар қилиб, хўжалик шерикчилик – хозяйственное партнерство конструкциясини жорий қилди. Бироқ бу юқоридаги LLC каби хусусиятларга эга бўлмади ва амалиётда муваффақиятсизликка учради.

4. Соддалаштирилган акциядорлик жамияти - **Société par actions simplifiée** , **SAS** (фр), ўзгарувчан капиталли инвестиция жамияти (Investmentgesellschaft mit variablem Kapital, называемое также Société d'Investissement à Capital Variable, **SIKAV**) (АЖ шаклида ташкил этилиб, айрим опциялар берилади).

Мазкур шакл Франция ҳуқуқида кенг тарқалган (бу шакл 2001 йилдаги қонун билан киритилган).

5. Шунингдек, **нотижорат юридик шахс шакллари қайта кўриб** чиқиш лозим. Айниқса муассаса (**Anstalt**) шаклини автономлиги ва ўзига берилган мулкка бўлган ҳуқуқларини кенгайтириш. Зеро бугунги муассасалар тарихан шаклланган муассасалардан (**Anstalt**) фарқли ўларок ўзига берилган мол-мулк мулкдори бўлолмайди.

Ривожланган ҳуқуқ-тартиботларда (масалан, Германия) нотижорат униарт юридик шахслар муассасалар:

Anstalt – муассаса – ягона мулкдор томонидан таъсис этилиб, унинг ўзи ёки у вакил қилган шахс томонидан бошқарилади, муассаса ўзига берилган мулкнинг мулкдори бўлади, ёки

Stiftung – фонда – мулкдор томонидан таъсис этилиб, унинг бошқарувида иштирок этмайди, фонда бошқарув органига юклатилади. Таъсичи бошқарувдан бутунлай маҳрум бўлади. Фонд мол-мулкига нисбатан фонdda мулк ҳуқуқи мавжуд бўлади.

Назорат саволлари:

1. Юридик шахслар ташкилий-ҳуқуқий шакллари тушунчасига таъриф беринг?
2. Тижоратчи ташкилотлар турларини сананг.
3. Янги ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги юридик шахслар конструкциялари ҳақида фикр юритинг.
4. Қайси ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги юридик шахсларни ФКда ортикча деб ўйлайсиз?

3. Битимларнинг ҳақиқий эмаслиги ва унинг оқибатларини ҳуқуқий тартибга солиш

Режа:

1. Битимлар ҳақиқий эмаслиги тўғрисидаги умумий қоидалар.
2. Низоли битим ва унинг турлари.
3. Битимни ҳақиқий эмас деб топиш асослари ва ҳолатларини аниқлаштиришни назарда тутувчи нормаларни қайта кўриб чиқиш истиқболлари

Таянч иборалар: *битимлар ҳақиқий эмаслиги, ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимлар, низоли битимлар.*

Дарс машғулотларини қуйидаги маълумотлар асосида ўтиш тавсия этилади. Педагогик технология нуқтаи назардан қуйидагилар қамраб олади:

1. *Фуқаролик судлари амалиётидан ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимлар билан боғлиқ ҳал қилув қарорларини таҳлилий ўрганиш;*
2. *Иқтисодий судлар фаолиятида низоли битимлар ҳақидаги ФК нормалари қўлланилишини услубий жиҳатдан ўрганиш;*
3. *Тақдимот тайёрлашда таяниш лозим бўлган материаллар.*

1. Битимлар ҳақиқий эмаслиги тўғрисидаги умумий қоидалар

Амалдаги Фуқаролик кодексининг 113-моддасига кўра, битим ушбу Кодексида белгилаб қўйилган асосларга кўра, суд ҳақиқий эмас деб топганлиги сабабли (низоли битим) ёки бундай деб топилишидан қатъи назар, ҳақиқий эмас деб ҳисобланади (ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим).

Низоли битимни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талабни Фуқаролик кодексидан кўрсатилган шахслар қўйишлари мумкин.

Ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим ҳақиқий эмаслигининг оқибатларини қўлланиш тўғрисидаги талабни ҳар қандай манфаатдор шахс қўйиши мумкин. Суд бундай оқибатларни ўз ташаббуси билан қўллашга ҳақли.

Ҳақиқий бўлмаган битим унинг ҳақиқий эмаслиги билан боғлиқ бўлган оқибатлардан ташқари бошқа юридик оқибатларга олиб келмайди ва у тузилган пайтидан бошлаб ҳақиқий эмасдир.

Битим ҳақиқий бўлмаганида тарафларнинг ҳар бири бошқасига битим бўйича олган ҳамма нарсани қайтариб бериши, олинган нарсани аслича (шу жумладан олинган нарса мол-мулкдан фойдаланиш, бажарилган иш ёки кўрсатилган хизмат билан ифодаланганда) қайтариб бериш мумкин бўлмаганида эса, агар битим ҳақиқий эмаслигининг бошқа оқибатлари қонунда назарда тутилган бўлмаса, унинг қийматини пул билан тўлаши шарт.

Башарти қонун ёки мажбуриятларнинг айрим турларини тартибга солувчи ФК нормаларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талаблар бўйича умумий даъво муддати – уч йил.

Бунда ФКнинг 160-моддаси талабига мувофиқ даъво муддатининг тўхтатилиши, узилиши ва тикланиши ҳақидаги ФКнинг 156, 157, 159-моддалари қоидалари, агарда қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, мажбуриятларнинг айрим турларига ҳам тааллуқлидир.

Битимларга оид низоларни кўришда шартномани ҳақиқий эмас деб топиш ва шартномани бекор қилиш тушунчаларини бир-биридан фарқлаш лозим. Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 9-боби 113-126-моддаларида кўзда тутилган битимларнинг ҳақиқий эмаслигини тартибга солувчи нормаларда баён этилган асослар бўйича шартномаларни ҳақиқий эмас деб топилишига йўл қўйилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 114-моддаси 1-қисмига мувофиқ ҳақиқий бўлмаган битим унинг ҳақиқий эмаслиги билан боғлиқ бўлган оқибатлардан ташқари бошқа юридик оқибатларни вужудга келтирмайди ва у тузилган пайдан бошлаб ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Шартномани бекор қилиш эса тўлиқ ёки қисман бажарилмаган шартномани ва унинг оқибатида вужудга келган тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини келгусида бекор қилишга қаратилган ҳаракатдир.

Шартноманинг ҳақиқий эмаслиги ва шартномани бекор қилишнинг ўзаро фарқи:

а) битимнинг ҳақиқий эмаслигига асос унинг ноқонунийлигидир. Бекор қилишга эса — унинг қонунийлиги низолашилмасдан шартномани бекор қилишга сабаб бўладиган ҳолатларнинг юзага келиши асос бўлади;

б) шартномани бекор қилиш у амалда бўлган вақтдаги ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларга таъсир этмасдан, фақатгина келгусидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга тааллуқлидир.

Битимларни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги талабдан фарқли равишда шартномани бекор қилиш ҳақидаги талабда даъво муддати чекланмаган бўлади ва бундай даъво билан мурожаат қилишга шартнома ҳаракатда бўлган бутун давр мобайнида йўл қўйилади.

Бир томонлама битимларнинг ҳақиқий эмаслиги ФКнинг 9-бобида белгиланган умумий қоидалар билан, уни бекор қилиш шартлари эса айнан шу туркумдаги битимларга оид қоидалар билан тартибга солинади (масалан, ишончнома ва васиятномани бекор қилиш ФК 141, 142, 1127-моддалари).

ФКнинг 9- бобида қайд этилган қоидалар битимларни ҳақиқий эмас деб топишнинг қатъий асослари ҳисобланади.

Айрим тоифадаги битимларни тузиш тартиби ва шартлари мажбуриятларнинг айрим турлари тўғрисидаги ФК қоидалари ва махсус қонунлар билан тартибга солинишини ҳисобга олиб, судлар шуни назарда тутишлари керакки, битим шакли ва тузилиши тартиби қоидаларига риоя қилмаслик, тўғридан-тўғри қонун қоидаларида ва қонунчилик актларида кўрсатилган ҳолатлардагина ФКнинг 115-116-моддалари асосида битимнинг ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 114-моддаси 2-қисмига мувофиқ, битим ҳақиқий бўлмаганида тарафларнинг ҳар бири бошқасига битим бўйича олган ҳамма нарсани қайтариб бериши, олинган нарсани аслича қайтариб бериш мумкин бўлмаганида эса, агар битим ҳақиқий эмаслигининг бошқа оқибатлари қонунда назарда тутилмаган бўлса, унинг қийматини пул билан тўлаши шарт. Бунда «битим бўйича олинган нарса»ни аниқлашда ҳақиқий эмас деб топилган шартнома шартларидан келиб чиқиб, шуни назарда тутишлари лозимки, битим ҳақиқийлиги низолашилганда тарафларнинг битим шартлари доирасидан ташқаридаги муносабатлари ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас.

2. Низоли битим ва унинг турлари

Агар битим Фуқаролик кодексида белгилаб қўйилган асосларга кўра, суд ҳақиқий эмас деб топилса, бундай битим низоли битим ҳисобланади. Ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган фуқаро томонидан тузилган битим; янглишиш таъсирида тузилган битим; алдаш, зўрлик, қўрқитиш, бир тараф вакилининг иккинчи тараф билан ёмон ниятда келишиши ёки оғир ҳолатлар юз бериши таъсирида тузилган битим; юридик шахс ҳуқуқий лаёқатидан ташқарига чиқадиган битимга низоли битим турлар ҳисобланади.

ФКнинг 122-123-моддаларида кўрсатилган асослар бўйича битимни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги низоларни кўришда судлар янглишиш таъсирида, алдаш, зўрлик, кўрқитиш, бир тараф вакилининг иккинчи тараф билан ёмон ниятда келишиши ёки оғир ҳолатлар юз бериши таъсирида тузилган битим тушунчаларини бир-биридан фарқлашлари лозим.

Янглишиш таъсирида тузилган битим деб, битим юзасидан келиб чиқувчи тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида нотўғри тасаввурга эга бўлиш, яъни тарафларнинг ҳақиқий хоҳиш-иродасини акс эттирмасдан, битим тузилган вақтда тарафлар томонидан назарда тутилмаган ҳуқуқий оқибатларга олиб келган битим тушунилади. Янглишиш ҳар хил ҳолатларда кўриниши мумкин, масалан, музокара вақтида тарафлар бир-бирларини тушунмаганликлари, қонунларни нотўғри талқин қилганликлари, битимнинг ҳақиқий оқибатларини нотўғри тасаввур этганликлари ва бошқалар. Шу билан бирга қонунни билмаслик битимнинг ушбу асос билан ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқармайди.

Алдаш бу бир тарафнинг битим тузилишида назарда тутилган ҳолатларнинг юзага келмаслигини била туриб, атайин иккинчи тарафни битим тузишга ундашга қаратилган айбли ҳаракатидир. Алдаш битимнинг элементларига, унинг доирасидан ташқаридаги ҳолатларга, шунингдек, битимни амалга ошириш юзасидан битим иштирокчиси хоҳиш-иродасини шакллантириш учун аҳамиятга эга бўлган сабаб ва мотивларга қаратилган бўлади.

Зўрлик деб, битим иштирокчисига (унинг яқин кишиларига) жисмоний ёки руҳий азоб бериш натижасида битим тузишга мажбур қилиш тушунилади. Зўрлик ноқонуний хатти-ҳаракат бўлиб, жиноий жавобгарликка тортиш шарт бўлмаган ҳаракатларда ҳам кўриниши мумкин. Масалан, хизмат ваколатидан фойдаланган ҳолда шартнома юзасидан мажбурият олувчининг эркига таъсир қилиш.

Кўрқитиш деб, битим иштирокчисининг эркига руҳий таъсир кўрсатиш натижасида унинг учун ноқулай бўлган битим тузишга мажбурлаш тушунилади. Бунда шуни назарда тутиш лозимки, қайд этилган асос бўйича битимни ҳақиқий эмас деб топишнинг зарур шартларидан бири кўрқитишнинг реаллиги ҳисобланади.

Бир тараф вакилининг иккинчи тараф вакили билан ёмон ниятда келишуви деб, вакилнинг бошқа тараф билан ваколат берувчи манфаатларига зид шартлар асосида келишуви тушунилади.

Оғир ҳолатларнинг юз бериши таъсирида тузилган битим деганда, бир тарафнинг ўзи учун ўта ноқулай шартлар асосида битим тузаётганлигини

англаши (бу ерда янглишиш ҳам, алдаш ҳам бўлмайди), лекин уни тузишга мажбур бўлиши тушунилади.

Бунда қуйидаги икки шартнинг мавжуд бўлиши битимни оғир ҳолатлар юз бериши таъсирида тузилганлиги учун ҳақиқий эмас деб топишга асос бўлади:

а) оғир ҳолатлар юз бериши туфайли бир тарафнинг ўзи учун ўта ноқулай шартлар билан битим тузишга мажбур бўлиши;

б) иккинчи тарафнинг бундай ҳолатдан фойдаланиб, битим тузишга қаратилган ҳаракатининг мавжудлиги.

Юқорида қайд этилган асослар бўйича битимларнинг ҳақиқий эмаслигини исботлаш мажбурияти даъвогарга юклатилади.

Ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган фуқаро томонидан тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги бўйича низолашилганда, судлар исботлаш воситаларига йўл қўйилиши ҳақидаги ФПК 74-моддаси қоидаларидан келиб чиқиб, иш бўйича тегишли (психологик)экспертиза тайинлаш масаласини муҳокама қилишлари лозим.

3. Битимни ҳақиқий эмас деб топиш асослари ва ҳолатларини аниқлаштиришни назарда тутувчи нормаларни қайта кўриб чиқиш истиқболлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида фуқаролик қонун ҳужжатларини такомиллаштириш чоралари тўғрисида”ги Ф-5464-сон Фармойиши билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш концепциясида битимлар институтини такомиллаштириш, жумладан битимларни мажбурий давлат рўйхатидан ўтказиш ва нотариал тасдиқлашни, битимни ҳақиқий эмас деб топиш асослари ва ҳолатларини аниқлаштиришни назарда тутувчи нормаларни қайта кўриб чиқиш вазифаси қўйилган. Мазкур ҳужжат асосида ишлаб чиқиладиган янги Фуқаролик кодекси лойиҳасида ҳуқуқ-тартибот ёки ахлоқ асосларига қарши мақсадларда тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги ҳақида, янглишиш таъсирида тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги ҳақида, ҳақиқий бўлмаган битимлар бўйича даъво муддати ҳақида янги моддалар, янглишиш таъсирида тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги билан боғлиқ янги қоидалар акс эттирилмоқда.

Назорат саволлари:

1. Низоли ва ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимни қандай фарқлайсиз?
2. Шартномани ва битимни ҳақиқий эмас деб топишнинг қандай фарқлари бор?
3. Янги Фуқаролик кодексида битимларнинг ҳақиқий эмаслиги билан боғлиқ қандай янги нормалар акс эттирилмоқда?
4. Судлар амалиётидан низоли битимга мисол келтиринг?

4. Ўзбекистон Республикасининг тадбиркорлик ва бизнесга оид халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш борасидаги муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича амалий чора-тадбирлар

Режа:

1. Тадбиркорлик ва бизнесга оид халқаро рейтинглар ва индекслар умумий тавсифи.

2. Халқаро рейтинглар ва индекслар мезонларини таҳлил қилиш.

3. Сўнгги йилларда Иқтисодий эркинлик индекси (Index of economic freedom), Глобал рақобатбардошлик индекси (The Global Competitiveness Index), Бизнес юритиш (Doing business), Ҳуқуқ устуворлиги индекси (The Rule of law index)да Ўзбекистоннинг ўрнини қиёсий-танқидий ўрганиш.

Таянч иборалар: халқаро рейтинглар ва индекслар, халқаро рейтинглар ва индекслар мезонлари, Иқтисодий эркинлик индекси (Index of economic freedom), Глобал рақобатбардошлик индекси (The Global Competitiveness Index), Бизнес юритиш (Doing business), Ҳуқуқ устуворлиги индекси (The Rule of law index).

Дарс машғулотларини қуйидаги маълумотлар асосида ўтиши тавсия этилади. Педагогик технология нуқтаи назардан қуйидагилар қамраб олади:

1. Дарс машғулотини учун манбалар излашда таяниши лозим бўлган маълумотлар;

2. Маъруза машғулотига тайёргарлик кўришида таяниши лозим бўлган материаллар;

3. Тақдимот тайёрлашда таяниши лозим бўлган материаллар.

1. Тадбиркорлик ва бизнесга оид халқаро рейтинглар ва индекслар умумий тавсифи

Сўнгги 3 йилда мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий соҳаларга оид халқаро рейтинг ва индекслардаги мавқеини ошириш бўйича Давлатимиз раҳбарининг 13 та фармон ва қарори қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш бўйича 7 та чора-тадбирлар режаси тасдиқланиб,

мутасадди вазирлик ва идоралар, илмий-тадқиқот институтлари билан биргаликда халқаро рейтингларни ҳисоблаш методологияларининг таҳлили, уларда Ўзбекистонга берилаётган баҳоларга сабаб бўлаётган омиллар ўрганиб борилмоқда.

Халқаро рейтинг ва индексларни юритувчи халқаро ва хорижий ташкилотларнинг аксарияти билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди.

Сўнгги 4 йил мобайнида мамлакат «Иқтисодий эркинлик» индексида 52, «Логистика самарадорлиги» индексида – 19, «Doing Business» индексида – 18 поғонага, ИХТТнинг «Мамлакатларга хос хатарларни таснифлаш» тизимида 6-гуруҳдан 5-гуруҳга кўтарилди.

Ўзбекистон халқаро майдонда ўз нуфузини юксалтириш йўлидан бормоқда. Мамлакатимиз изчиллик билан ислохотларни амалга оширар экан, миллий рейтингимизни белгилаётган агентликлар уларни муносиб баҳоламоқда.

Аввало, рейтинг нима учун керак, деган табиий савол туғилади. Рейтинг турлича бўлиши мумкин, бизнес рейтинги, инвестициявий жозибадорлик рейтинги ва бошқалар. Ҳар қандай давлат рейтингларда иштирок этса ва у юқори ўринда бўлса, бу ушбу давлатнинг очиклиги, шаффофлиги ҳамда иқтисодий салоҳиятини намоён этади. Шундан келиб чиқиб айтиш керакки, иқтисодий тараққиётни таъминлаш учун кенг кўламли ислохотлар олиб бораётган ва ривожланиш палласида бўлган давлатлар, албатта, рейтингларда муносиб ўринларни эгаллашга интилиши табиий. Негаки, бугунги замонавий дунёда ҳамкорлик ўрнатиш истагида бўлган давлатлар ва ташкилотлар умумэътироф этилган рейтингларга, албатта, эътибор қаратади.

2020 йил 2 июнь куни Президент томонидан Ўзбекистоннинг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш, давлат органларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисидаги Фармон имзоланди.

Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгаши ташкил этилади. Унинг асосий вазифаси устувор бўлган халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон ўрнини қуйидагилар орқали яхшилашдан иборат:

мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий тараққиёт даражасини тизимли таҳлил қилиб бориш, турли соҳаларда амалга оширилаётган туб ўзгаришларни ҳисобга олиш, шунингдек мазкур йўналишдаги ишларнинг самарадорлигига тўсиқ бўлаётган муаммоларни бартараф этиш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини такомиллаштириш, жамиятни демократлаштириш, илғор халқаро тажрибага асосланган давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги ислохотларни амалга ошириш бўйича ташаббусларни илгари суриш;

давлат ва жамият ҳаётининг турли жабҳаларини тартибга солишга қаратилган НХҚ ва уларнинг лойиҳаларини мамлакатимизнинг ўрнига таъсири нуқтаи назаридан комплекс баҳолаб бориш.

Кенгашнинг ишчи органлари – Молия ва Адлия вазирликлари. Ишчи органлар бўйича тақсимланган устувор бўлган халқаро рейтинг ва индексларда мамлакатимизнинг ўрнини яхшилашга қаратилган таъсирчан чоралар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши ҳамда ушбу йўналишда тизимли халқаро ҳамкорлик олиб борилиши устидан Кенгаш томонидан назорат ўрнатилади.

Устувор бўлган халқаро рейтинг ва индекслар бўйича мамлакатимизнинг ўрнини яхшилаш – масъул давлат органлари биринчи раҳбарларининг фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг бош мезонларидан бири. У бўйича энг муҳим кўрсаткичлар (КРІ) белгиланди. Уларга эришиш мақсадида мутасадди вазирлик ва идоралар томонидан қуйидагилар ишлаб чиқилиши ва кенгашга тасдиқлаш учун тақдим этилиши лозим:

2020 йилнинг иккинчи ярми давомида амалга оширилиши лозим бўлган ташкилий чора-тадбирлар дастурлари (бир ой муддатда);

келгуси йилда амалга оширилиши лозим бўлган ташкилий чора-тадбирлар дастурлари (хар йил 1 декабрга қадар).

Уларда халқаро рейтинг ва индексларнинг навбатдаги нашрида зарур кўрсаткични қайд этишга қаратилган амалий таклифлар, шунингдек рейтинг ва индексларни эълон қилувчи ташкилотлар ҳамда уларни тузишда фойдаланиладиган ахборот манбалари билан ҳамкорлик қилиш механизмлари назарда тутилиши лозим.

Масъул давлат органларининг биринчи раҳбарлари хар бир чорак якуни бўйича:

кенгаш ишчи органларига мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар тўғрисидаги маълумотлар, зарур статистик ахборотлар ва бошқа материалларни тақдим этади (кейинги ойнинг 15-санасига қадар);

кенгаш раиси ёки ўринбосарининг раҳбарлигида ўтказиладиган йиғилишларда тегишли халқаро рейтинг ва индексларда КРІ га эришиш учун амалга оширилган чора-тадбирлар тўғрисида ахборот беради (кейинги ойнинг 30-санасига қадар).

2019 йил мартда ташкил этилган комиссия кенгашга кўмаклашади ва тегишли йўналишда масъул давлат органлари ишини мувофиқлаштириб боради. Масъул давлат органлари ҳамда тадқиқот институтлари тегишли рейтинг ва индекслар бўйича амалга оширилган ишлар ҳақидаги маълумотларни кенгаш ишчи органларига мунтазам равишда тақдим этиб боради.

Адлия вазирлигида халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бошқармаси ташкил этилади. Бошқарма бир ой муддатда юқори малакали кадрлар билан тўлдирилади.

«Ўзбекистон Республикаси халқаро рейтингларда» порталининг ишга туширилиши 2020 йил 1 октябрга кўчирилди (дастлабки сана – 2019 йил 1 апрель эди). Молия вазирлигига бунини манфаатдор вазирликлар ва идоралар

билан биргаликда амалга ошириш топширилди. Молия вазирлиги ҳамда Адлия вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда портал узлуксиз ишлашини таъминлаш ва уни янгилаб бориш учун масъул этиб белгиланган.

2. Халқаро рейтинглар ва индекслар мезонларини таҳлил қилиш

«Иқтисодий эркинлик индекси» «Heritage Foundation» Америка маркази томонидан «Wall Street Journal» билан ҳамкорликда 1995 йилдан буён ҳар йили 186 мамлакатнинг рейтинги тузиб келинади. «Иқтисодий эркинлик индекси» 4 та гуруҳга бирлаштирилган 12 та компонентни ўз ичига олиб, 0 дан 100 гача бўлган шкала бўйича ўлчанади. Индекснинг қиймати қанча катта бўлса, тузувчилар фикрига кўра, давлат шунчалик иқтисодий жиҳатдан эркин бўлади¹.

Жаҳон банкининг Бизнес юритиш (Doing business) рейтинги мамлакатда бизнес юритиш қулайлигини баҳоловчи қуйидаги кўрсаткичларни таҳлил қилади: 1) корхоналар (бизнес) ташкил этиш, 2) курилиш учун рухсат олиш, 3) электр таъминоти тизимига уланиш, 4) мулкни рўйхатга олиш, 5) кредит олиш, 6) миноритар инвесторларни ҳимоя қилиш; 7) солиқ солиш, 8) халқаро савдо, 9) шартномаларнинг бажарилиши ва 10) тўловга қодир бўлмаслик. Президентимизнинг 2018 йил 13 июлдаги “Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида 2022 йилга қадар мамлакатда тадбиркорлик учун рейтингнинг юқори йигирматалик даражасига мос шароитлар яратиш вазифаси кўйилган.

Глобал рақобатбардошлик индекси (The Global Competitiveness Index) глобал тадқиқотлар ва иқтисодий рақобатбардошлик даражаси бўйича дунё мамлакатларининг рейтинги ҳисобланади. Мазкур рейтинг Жаҳон иқтисодий форуми методологиясига биноан оммага тақдим этиладиган

¹ <https://www.heritage.org/index/country/uzbekistan>

статистика ва компания раҳбарларининг глобал сўрови натижаларига асосланган.

2021 йилдан Ўзбекистон ҳам Глобал рақобатбардошлик индексида ўз ўрнига эга бўлиши кутиляпти. Жаҳон иқтисодий форумининг (ЖИФ) Глобал рақобатбардошлик индекси (ГРИ) мамлакатнинг иқтисодий ўсиш истиқболларини ҳамда ўз фуқароларининг юқори даражадаги фаровонлигини таъминлаш имкониятини баҳолайди. Ушбу индекс, ўз навбатида, давлатнинг мавжуд ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги даражасини кўрсатади. Лекин, Ўзбекистон Республикаси ГРИга киритилмаган.

Ҳозирги вақтда Молия вазирлиги Жаҳон иқтисодий форуми вакиллари билан биргаликда республиканинг ГРИга киритилиши бўйича иш олиб бормоқда.

ЖИФ мутасаддилари бу узок жараён эканлигини маълум қилишган ва бунинг сабабларини қуйидагича изохлашган:

биринчи босқичда, 2020 йилнинг 1 январига қадар ЖИФ Ўзбекистонда фаолият юритадиган нодавлат илмий-тадқиқот институтлари, хусусий университетлар ёки агентликлар орасидан биттасини ўзининг ҳамкори сифатида танлаб олади. ЖИФ томонидан танланган ташкилот кичик корхоналар, йирик корпорациялар, акционерлик жамиятлари, шунингдек, Ўзбекистонда фаолият олиб боровчи хорижий компаниялар (филиаллари) орасида махсус сўровнома ўтказди;

ЖИФнинг Ўзбекистондаги ҳамкор ташкилоти 2020 йилда ўтказилган сўровнома натижалари тўғрисида ҳисобот бериши керак;

Юқоридаги жараёнлар яқунланиб, ҳисоботлар топширилганидан сўнг, мамлакат 2021 йилда расмий равишда ГРИга киритилиши мумкин. ЖИФ ходимлари томонидан берилган изоҳга кўра, ЖИФ биринчи навбатда олинган сўровнома натижаларини Ўзбекистон кўрсаткичларининг ҳақиқий тенденциялари билан қай даражада мос келишини текшириб кўриши зарур.

Иккинчидан, ушбу тенденциялар махсус экспертлар томонидан 2 йил мобайнида мунтазам кузатилиб борилиши ва таҳлил қилиниши лозим.

ЖИФ томонидан Ўзбекистоннинг ГРИга киритиш жараёни 2 йил муддат талаб этишини инобатга олиб, юқорида кўрсатилган ҳамкорлик шартларига риоя қилган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг ГРИдаги ўрни 2021 йилдан бошлаб акс эттириб борилиши кутилмоқда.

3. Сўнгги йилларда иқтисодий эркинлик индекси (Index of economic freedom), Глобал рақобатбардошлик индекси (The Global Competitiveness Index), Бизнес юритиш (Doing business), Ҳуқуқ устуворлиги индекси (The Rule of law index)да Ўзбекистоннинг ўрнини қиёсий-танқидий ўрганиш

Жаҳон банкининг «Бизнес юритиш 2020» (Doing Business 2020) йиллик рейтингда Ўзбекистон 2019 йил якунлари бўйича 100 балдан 69,9 балл тўплаб, 190 мамлакат орасида 69-ўринни эгаллади. Ўтган йилги рейтингга нисбатан мамлакат 76-ўридан 7-ўринга кўтарилди.

Жаҳон банкининг Тошкентдаги ваколатхонаси матбуот хизматига кўра, Европа ва Марказий Осиё минтақасидаги бошқа тўртта давлат, шу жумладан Тожикистон, Озарбайжон, Қирғизистон ва Косово билан биргаликда Ўзбекистон ишбилармонлик муҳитини яхшилашда энг катта ютуқларга эришган 20 мамлакат қаторидан ўрин эгаллади.

Жаҳон банки экспертларининг фикрига кўра, Ўзбекистонда ишбилармонлик муҳитини яхшилашдаги асосий ислохотлар қуйидагилар:

- энг муҳим корпоратив қарорларда акциядорлар ҳуқуқлари ва ролини кенгайтириш, мулкчилик ва бошқарув тузилмаларини аниқлаштириш, шунингдек корпоратив шаффофликни ошириш орқали **миноритар инвесторлар ҳимоясини** кучайтириш;
- ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиқларини даромад солиғи билан бирлаштириш орқали **солиққа тортишни** соддалаштириш;

- хавфга асосланган божхона назорати механизмини жорий этиш орқали **халқаро савдони** соддалаштириш, шунингдек, импорт хужжатларига талабларни енгиллаштириш;
- ихтиёрий медиация тўғрисидаги қонунни қабул қилиш орқали **шартномалар ижросини соддалаштириш**, шунингдек, тарафларни низоларни медиация орқали ҳал қилишга ундаш учун молиявий рағбатлар яратиш.

«Бизнес юритиш» ҳисоботида 190 мамлакатдаги вазиятни таҳлил қилиш асосида 10 та соҳадаги қонунчиликдаги ўзгаришлар қайд этилган. У 2019 йил 1 майда тугаган 12 ойлик давр учун ўзгаришларни баҳолайди.

Назорат саволлари:

1. Халқаро рейтинг ва индексларда муносиб ўринга эга бўлиш мустақил давлат учун нима беради?

2. Ўзбекистон сўнгги йилларда халқаро рейтинг ва индекслардаги ўринларни яхшилаш учун қандай чора-тадбирларни амалга оширди?

3. Ҳозирча мамлакамиз кирмаган рейтинг ва индексларга кириш учун қайси соҳалардаги ислохотларга алоҳида эътибор қаратиш лозим, деб ўйлайсиз?

5. Пандемия ва фавкулотда шароитларда бизнес, тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш

Режа:

1. Фавкулотда шароитларда бизнесни ҳуқуқий тартибга солишнинг халқаро ҳуқуқий асослари.

2. Фавкулотда вазиятда бизнес субъектларига нисбатан давлат томонидан жорий этиладиган чекловлар.

3. Фавкулотда шароитларни бизнес партнёрлар ўртасидаги муносабатларга таъсири, форс-мажор ҳолатлар.

***Таянч иборалар:** пандемия, коронавирус, форс-мажор, фавкулотда ҳолат, фавкулотда шароит, форс-мажор.*

Дарс машғулотларини қуйидаги маълумотлар асосида ўтиши тавсия этилади. Педагогик технология нуқтаи назардан қуйидагилар қамраб олади:

3. Пандемия шароитида Ўзбекистонда аҳоли ва бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилган ишларни статистик маълумот кўринишида акс эттириши;

4. Форс-мажор ҳисобланадиган ҳолатларга оид суд амалиёти материалларидан мисоллар келтириши ва уларни таҳлил қилиши;

5. Тақдимот тайёрлашда таяниш лозим бўлган материаллар.

1. Фавкулотда шароитларда бизнесни ҳуқуқий тартибга солишнинг халқаро ҳуқуқий асослари

Бутун инсониятни нормал ҳаётига хавф солган, муайян маънода одатдаги турмуш тарзини издан чиқарган “Тоғли вирус 19” пандемияси жамиятдаги ҳуқуқ тартибот асосларига, фавкулотда шароитларда инсон ҳуқуқларини амал қилиш хусусиятларига, хусусан тадбиркорлик ва бизнесни, инвестицияларни ташкил этиш масалаларига бошқача ёндашувлар орқали изохлаш заруриятини тақозо этди. Бунда ҳуқуқ тартиботдаги фавкулотда вазиятлар сабабли қўлланилаётган чоралар инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, кишиларни тадбиркорлик, инвестиция киритиши, бизнес юритиш орқали ёхуд меҳнат шартномаси орқали ўз

тирикчилик манбаларига эга бўлиш имкониятларини муайян тарзда давлат томонидан ёки ихтиёрий тарзда чекланишига сабаб бўлди. Хар бир инсонни мулкдор бўлиш, мол-мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи (Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг 17-моддаси 1-банди), хар бир ишлаётган одам унинг ўзи оиласи учун муносиб яшашини таъминлайдиган адолатли ва қониқарли даромад олиш (Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 23-моддаси 3-банди) ҳуқуқларига эга. Ушбу ҳуқуқларни рўёбга чиқариш ва намоён бўлиш хусусиятлари БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1966 йил 16 декабрда қабул қилинган “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пакт”да ўз ифодасини топган. Ушбу Пактнинг 6-7-моддаларида инсоннинг меҳнат қилиш ҳуқуқи орқали ўз фаровонлигини таъминлаш хусусиятлари ўз ифодасини топган. Пактнинг 11-моддасига кўра ушбу пактда иштирок этувчи давлатлар хар бир кишининг ўзи ва оиласи учун етарлича турмуш даражаси бўлиш ҳуқуқини эътироф этадилар. Етарличи озиқ-овқат, кийим-кечак ва уй-жой ҳамда турмуш шароитларини муттасил яхшиланиб бориши шу жумлага киради. Албатта кишилар ўз тирикчилик воситаларига эга бўлиши биринчи галда унинг ўзининг саъйи ҳаракатлари орқали амалга оширилади. Бу тадбиркорлик фаолияти, ўзини-ўзи банд қилиш ёхуд меҳнат шартномаси асосида фаолият юритиш бўлиши мумкин. Бироқ пандемия шароитида дунёдаги деярли барча давлатлар кишиларни эркин ҳаракатланишига таъқиқ қўйиб, ўз чегараларини ёпдилар. Мамлакат ичидаги ҳаракатлар ҳам жиддий чеклашларга дучор бўлди. Карантин ва ўзини ўзи яқкалаш (изоляция қилиш) чора-тадбирлари тизими жорий этилди. Бундай ҳолатлар моҳияти, зарурияти юрист мутахассислар, олимлар томонидан оммавий ахборот воситаларида бошқа илмий манбаларда таҳлил этилмоқда.²

Пандемия муносабати билан амалга оширилган чора-тадбирлар ҳуқуқий майдонда амалга оширилаётганлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

² М.Мирзаабдуллаева. Қонунчилик пандемияга тайёр эдим. www.uza.uz 18.04.2020

Р.Давлетов Коронавирус нималар ижтимоий ҳуқуқий жиҳатлар. www.uza.uz 14.04.2020

Пандемия могут сделать основанием для освобождения для контракта. www.interfax.ru 704397

Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси 29-моддасига кўра ҳар бир инсон жамият олдида муайян мажбуриятларга эга ва шу мажбуриятларни бажариш орқали инсон шахси эркин ва тўла тўқис камол топиши мумкин. Ҳар бир инсон ўз ҳуқуқ эркинликларини рўёбга чиқишида муайян чеклашларга дучор бўлиши мумкин бундай чеклашлар қонун томонидан белгилаб қўйилган бўлади ҳамда ундан мақсад бошқаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари зарур даражада тан олинishi ва ҳурмат қилиниши ҳамда ахлоқ одобнинг адолатли талаблари ижтимоий тартиб ҳамда демократик жамиятдаги фаровонликнинг оқилона талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг 12-моддасига кўра ҳар бир инсон ўз мамлакати ҳудуди доирасида эркин кўчиб юриш ҳуқуқига ва яшаш жойини эркин танлаб олиш ҳуқуқига эгадир. Ҳар бир инсон ҳар қандай мамлакатни, шу жумладан ўз мамлакатини тарк этиш ҳуқуқига эгадир, ҳеч ким ўзбошимчалик билан ўз мамлакатига кириш ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Юқорида белгилаб қўйилган ҳуқуқлар ҳеч қандай чеклаш объекти бўлиши мумкин эмас, қонунда назарда тутилган ҳолларда давлат хавфсизлигини, жамоат тартибини, аҳоли сихат саломатлигини ёки ахлоқ одобини сақлаш учун, шунингдек бошқаларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш учун зарур бўлган чеклашлар бундан мустасно.

Иқтисодий ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 4-моддасига кўра, инсон ҳуқуқи ва эркинликларини чеклашнинг доираси белгилаб қўйилган. Унга кўра мазкур пактда иштирок этувчи ҳар бир давлат инсон ҳуқуқларини рўёбга чиқариш соҳасида шундай чеклашларни белгилаб қўйиши мумкинки, булар биринчидан қонунда назарда тутилган бўлиши, иккинчидан бу чеклашлар мазкур чекланаётган ҳуқуқларнинг табиатига уйғун бўлиши ва учинчидан бундан кўзланган мақсад фақат демократик жамиятдаги умумий фаровонликни таъминлашга кўмаклашиши лозим.

А.Бурхоновнинг кўрсатишича, аҳолини ижтимоий фаоллик даражаси юқумли касалликлар тарқалиш даражасига ва эпидимиологик жараёнга ҳам бевосита ҳам бавосита таъсир қилади. Аҳолининг ижтимоий фаоллиги қанчалик юқори бўлса, юқумли касалликнинг тарқалиш жараёни ҳам шу қадар юқори бўлади. Шу сабабли ҳам у давлат томонидан жорий этилган чекловчи чоралар шахс ҳуқуқ ва эркинликларини бузиши тўғрисидаги нуқтаи назарни нотўғри деб ҳисоблайди. Бир шахс ҳуқуқининг чегараси иккинчи шахс ҳуқуқининг чегараси билан туташади. Эпидемия шароитида чекловчи чоралар қуюшқондан ташқари чиқмайди. Бундай вазиятда жамиятни сихат саломатлик ҳуқуқи устувор имтиёзга эга.³

Бу ўринда шуни таъкидлаб ўтиш ўринлики фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пактнинг 12-моддаси 3-бандида аҳоли сихат саломатлигини таъминлаш зарурияти шахс ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш асоси сифатида белигилаб қўйилгани муаллифнинг мушоҳадалари инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларга таянишини кўришимиз мумкин. Бизнесменлар ва тадбиркорлар аҳолининг энг фаол қатлами ҳисобланади, бежизга “Тадбиркорлик фаолияти эркинликларининг кафолатлари тўғрисидаги Қонун”нинг 3-моддасида тадбиркорликнинг асосий белгиларидан бири - бу ташаббускорлик эканлиги белгилаб қўйилмаган. Бизнес - тадбиркорликнинг ижтимоий фаоллиги нафақат ишлаб чиқариш, хизмат кўсатиш, иш бажариш жараёнида балки бизнесни ташкил этиш, бизнес партнёрлар ўртасидаги, бизнес ва давлат органлари ўртасидаги тизимли муносабатларда намоён бўлади.

2. Фавқулотда вазиятда бизнес субъектларига нисбатан давлат томонидан жорий этиладиган чекловлар

Пандемия тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги шартномавий мажбуриятлар ижросига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Ишлаб чиқариш вақтинча тўхтатилган корхоналар ўз мажбуриятларини бажара олмадилар.

³ А.Бурхонов. Приоритет не права личности а права на здоровее общество. www.uza.uz 21.04.2020

Пандемия ва шартномавий мажбуриятлар масаласи бўйича ижтимоий тармоқларда материаллар эълон қилиниш бошланди.⁴

Россия Олий суди томонидан “Коронавирус” талқинлари: даъво муддати ва форс мажор лойихаси эълон қилинди.⁵ Унга кўра пандемия барча тоифадаги қарздорлар учун енгиб бўлмайдиган кучни универсал ҳолати сифатида эътироф этилиши мумкин эмас. Форс мажорнинг мавжудлиги ҳар бир муайян ишдаги ҳолатларни аниқлаш билан белгиланиши лозим. Бунда мажбуриятни ижро этиш муддати, ижро этилмаган мажбуриятнинг характери, қарздор ҳаракатларининг оқилоналиги ва инсофлилиги аниқланиши лозим. Пандемияни енгиб бўлмайдиган куч сифатида мажбуриятни ижросини амалга оширишга тўсқинлик қилишини кўрсатаётган тараф ўз мажбуриятларини бажариш учун ва форс мажор оқибатлари келтириб чиқаришини камайтириш учун барча оқилона чораларни кўрганлигини асослаши шарт. Пандемия форс мажор ҳолати сифатида мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарликдан озод қилиш учун асос сифатида қўлланишидан манфатдор тараф қўйидагиларни исботлаб бериши шарт:

- Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатларининг мавжудлиги ва давомийлиги;
- Вужудга келган енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари билан мажбуриятни ижро этиб бўлмаслик ёки кечиктириб ижро этиш ўртасида бевосита сабаб оқибатнинг мавжудлиги;
- Тегишли томонни енгиб бўлмайдиган куч ҳолатларини вужудга келишига алоқадор эмаслиги ва ушбу тарафни эҳтиётсизлиги енгиб бўлмайдиган куч ҳолатларини вужудга келишига олиб келмаганлиги;
- Тегишли тараф томонидан инсофли равишда келиб чиқиши мумкин бўлган хавф хатарларни олдини олиш ёки минималлаштириш чораларини кўрилганлиги;

⁴ Пандемияю могут сделать основанием для освобождением для контракта. www.interfax.ru 704397

⁵ Pravo.ru/news/220665

Ушбу лойихада талқин этилаётган ҳолатлардан яна бири карантин даврида корхонада иш тўхтатилган давр мажбурият ижроси муддатини ўзгартириш учун асос бўлиши тўғрисидаги хулосадир.

Бу ўринда шуни таъкидлаш ўринлики Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 333-моддаси 3-қисмига кўра башарти қонунда ёки шартномада бошқача назарда тутилган бўлмаса, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган шахс мажбуриятни лозим даражада бажаришга енгиб бўлмайдиган куч яъни фавқулотда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс мажор) туфайли бўлганлигини исботлай олмаса жавобгар бўлади.

Форс мажор ҳолатининг моҳияти шундаки, енгиб, бўлмайдиган куч тўсатдан пайдо бўлади ва қарздор инсофли асосда қарши турса ҳам мажбуриятни бажаришга имкон топа олмайди. Одатда форс мажор ҳолатлари табиий офатлар, харбий ҳаракатлар, иш берувчи ва ходимлар ўртасидаги забастовка кўринишидаги конфликтлар, давлат ҳокимият ва идора органларини қонуний ёхуд ғайриқонуний ҳаракатлари ҳисобланади. Пандемияни форс мажор деб ҳисоблаш учун уни табиий офат характерида эканлиги ва унга қарши туриш учун давлат ваколатли орган томонидан карантин, ўзини-ўзини чеклаш, вақтинчалик ишни тўхтатиш чоралари кўрилган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг “Судлар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида “Коронавирус” инфекцияси (КОВИД 19) тарқалишини олдини олишга қаратилган чоралар жорий этилиши муносабати билан қонун ҳужжатлари қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 2020 йил 28 апрелда қабул қилган қарорида Фуқаролик Кодекси 333-моддаси (мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик асослари)нинг 3-қисмига асосан башарти қонунда ёки шартномада бошқача назарда тутилган бўлмаса тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада

бажармаган шахс мажбуриятни лозим даражада бажаришга енгиб бўлмайдиган куч яъни фавкулотда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) туфайли имкон бўлмаганини исботлай олмаса жавобгар бўлади деб кўрсатилди. Пленум қарорида тушунтириш берилишича, шу муносабат билан судлар мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги ишларни кўришда (неустойка ундириш, зараларни қоплаш, шартномани бекор қилиш ва бошқалар) мажбуриятларни бажармаслик сабабларини аниқлаши, агар мажбуриятни бажариш ёки лозим даражада бажариш карантин шартлари жорий этилиши туфайли мумкин бўлмаганлигини аниқланганда талабни қаноатлантиришни рад этиш лозим. Шу билан бирга карантин шартлари даврида процессуал ҳаракатларни амалга ошириш имкони бўлмаган ҳолда, судлар ҳар қандай процессуал муддатларни узрли сабабларга кўра ўтказилган муддат сифатида қонунда белгиланган тартибда тиклаш масаласини ҳал этиши зарур. Агар карантин даъво муддатининг охири олти ойида жорий этилган ёки амал қилишни давом эттириб турган бўлса, даъво муддатининг ўтиши тўхталади. Даъво муддатининг тўхтатиб турилишига асос бўлган карантин барҳам топган кундан бошлаб даъво муддатининг ўтиши давом этади, бунда муддатнинг қолган қисми олти ойгача, даъво муддати олти ойдан кам бўлса даъво муддатига қадар узайтирилади. Пленум қарорида таъкидланишича Ўзбекистон Республикаси Президентининг коронавирус пандемиясида аҳолининг иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида 2020 йил 3 апрелдаги ПФ-5978-сонли Фармони қоидаларини инобатга олган ҳолда, агар 2020 йил 1 октябрга қадар бўлган давр мобайнида кредит қарздорлигини ундириш тўғрисидаги ишларни кўришда қарздор томонидан кредит бўйича тўловлар карантиннинг амал қилиш даврида молиявий қийинчиликларга дуч келганлиги сабабли кечиктирилганлиги ва шу сабабли қарздор кечиктириш ҳуқуқига эга эканлиги аниқланганда, арз қилинган талабни

каноатлантириш рад этилиши лозимлиги судларга тушунтирилди. Бундай қарор жорий этилган карантин режими қарздорларнинг фаолиятига салбий таъсир кўрсатганлиги аниқланганда қарздорларнинг муддати ўтиб кетган кредитларига жарима санкцияларини ундириш ва ундирувни гаров таъминотига қаратиш ҳақидаги даъволар бўйича ҳам қабул қилиниши белгиланганди.⁶

Пандемия нафақат форс-мажор ҳолати, балки вазиятни жиддий ўзгаришига ҳам асос бўлиши мумкин. Фуқаролик Кодексининг 383-моддасида вазият жиддий ўзгариши муносабати билан шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш асос сифатида белгилаб қўйилган.

Шартнома тузишда тарафлар учун асос бўлган вазиятнинг жиддий ўзгариши, агар бошқача тартиб шартномада назарда тутилган бўлмаса ёки унинг моҳиятидан англашилмаса, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

Вазиятнинг тарафлар олдиндан кўра билганларида шартномани умуман тузмасликлари ёки анча фарқ қиладиган шартлар билан тузишлари мумкин бўлган даражада ўзгариши унинг жиддий ўзгариши ҳисобланади.

Агар тарафлар шартномани жиддий ўзгарган вазиятга мувофиқлаштириш ёки уни бекор қилиш ҳақида келиша олмаган бўлсалар, шартнома манфаатдор тарафнинг талаби билан суд томонидан бекор қилиниши, ФКнинг 383-моддаси бешинчи қисмида назарда тутилган асосларга кўра эса — ўзгартирилиши мумкин, агар айтилган вақтда қуйидаги шартлар мавжуд бўлса:

1) шартномани тузиш пайтида тарафлар вазиятда бундай ўзгариш юз бермайди, деб ҳисоблаган бўлсалар;

2) вазиятнинг ўзгаришини келтириб чиқарган сабабларни, улар пайдо бўлганидан кейин манфаатдор тараф шартноманинг хусусиятига ва муомала шартларига кўра ўзидан талаб қилинадиган даражада виждонийлик

⁶ Қшп.uz 2020 йил 28 апрел 4251.

ва эҳтиёткорлик қилган бўлишига қарамай, бу сабабларни енга олмаган бўлса;

3) шартномани унинг шартларини ўзгартирмасдан бажариш тарафлар мулкӣ манфаатларининг шартномага мос келадиган нисбатини бузса ва манфаатдор тарафга зарар етказса, натижада улар шартнома тузишда умид қилишга ҳақли бўлган нарсадан кўп даражада маҳрум бўлсалар;

4) иш муомаласи одатларидан ёки шартноманинг моҳиятидан вазиятнинг ўзгариши хавфига манфаатдор тараф учраши кераклиги англашилмаса.

Вазиятнинг жиддий ўзгариши оқибатида шартнома бекор қилинганида суд ҳар қандай тараф талаби билан шартномани бекор қилиш оқибатларини аниқлашда тарафларнинг ушбу шартномани бажариш билан боғлиқ харажатларини улар ўртасида адолатли тақсимлаш зарурлигига асосланади.

Вазиятнинг жиддий ўзгариши муносабати билан шартноманинг ўзгартирилишига шартномани бекор қилиш ижтимоий манфаатларга зид бўлган ёки тарафларга шартномани суд томонидан ўзгартирилган шартлар асосида бажариш учун талаб қилинадиган харажатлардан анча ортиқ зарар келтирадиган ҳақулодда ҳолларда суд қарори билан йўл қўйилади.

Ушбу моддани қўллаш хусусиятлари бўйича Қ.Мехмонов фикр мулоҳазалари диққатга сазовордир. Масалан, деб ёзади у, пандемиягача бўлган вақтда МЧЖ ва савдо комплекси ўртасида ижара шартномаси тузилган пандемия сабабли комплекснинг саноат моллари, кийим кечаклар сотиладиган секциялари ўз фаолиятини тўхтади. Бироқ озиқ-овқат, дори-дармон сотиладиган секциялар ўз фаолиятини давом эттирди. Озиқ-овқат, дори-дармон соҳасида пандемия вазиятни жиддий ўзгартиргани йўқ. Бироқ, саноат товарлари ва кийим кечаклар соҳасида савдо сотиқ тўхтатилди.

Бинобарин бу соҳада вазият жиддий ўзгарди ва ФКнинг 383-моддасини қўллаш учун жиддий асослар мавжуд.⁷

3. Фавқулотда шароитларни бизнес партнёрлар ўртасидаги муносабатларга таъсири, форс-мажор ҳолатлар

Форс мажор ҳолатлари турли мамлакатларда қонун ҳужжатларида ёхуд иш муомиласи одатларида ўз ифодасини топган. Масалан, АҚШнинг бирхиллаштирилган тижорат Кодексида форс-мажор вужудга келиши асосларини а) ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилиш б) табиат ходисалари таъсири в) ёнғинлар, сув тошқини, урушлар, сабатажлар, бахтсиз ходисалар, меҳнат низолари, хом ашёлар, материаллар ёки қурилмалардаги камчиликлар ёки уларни ўз вақтида етказиб бермаслик ёхуд вужудга келиши тарафларнинг назоратидан ташқари бўлган ҳар қандай бошқа ҳолатлар натижасида мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳисобланади. Бироқ ФКнинг 333-моддаси 3-қисмига кўра учинчи шахслар томонидан мажбуриятларни бузилиши мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги форс-мажор сифатида қаралмайди. Бунинг устига Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2005 йил 15 февралдаги 6-сон қарори билан тасдиқланган “Ёнгиб бўлмайдиган кучлар ҳолатларини тасдиқлаш тўғрисидаги” Низомда форс-мажор ҳолатлари доираси қисқартирилган ҳолда талқин этилади. Унга кўра форс-мажор Ўзбекистон Республикаси ҳудудида содир бўлган, томонларнинг иродаси ва фаолиятига боғлиқ бўлмаган табиат ходисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни таъқиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда ташқи савдо битимлари (шартномалар) ва халқаро шартномалар бўйича томонларга қабул қилган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулотда, олдини олиб бўлмайдиган ва қутилмаган ҳолатлардир. Бунда форс-мажор ҳолатлари ташқи савдо

⁷ Kun.uz./1988

битимлари ва халқаро шартномалар доираси билан чекланмоқда. Тўғри, Фуқаролик кодексининг 333-моддаси форс-мажорни ҳар қандай фуқаролик ҳуқуқий мажбурият бўйича жорий этмоқда. Бунда асосий шарт енгиб бўлмайдиган куч ва фавкулотда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган шароит ҳисобланади. Форс-мажор ҳолатлари бўйича энг батафсил тушунтириш бу Халқаро Савдо Палатаси томонидан таклиф этилган форс-мажор ва мушкул вазиятлар (hardship) писандаси ҳисобланади. Амалиётда ушбу писанда тарафлар томонидан унга нисбатан бевосита ҳавола тарзида ҳам ёхуд шартномаларда янада конкретлаштирилган ҳолда баён этиш ҳолатлари орқали ҳам қўлланади. Халқаро Савдо Палатаси томонидан таклиф этилган писандада мажбуриятни бажаришдан озод этиш учун асос сифатида қуйидаги ҳолатлар мавжудлиги белгиланган

Мажбуриятни бажармаслик тарафлар назоратидан ташқарида бўлган тўсқинликлар натижаси бўлиши лозим;

Тарафлар шартнома тузаётганда бундай тўсқинликлар ва унинг оқибатларини олдиндан кўра олмаганликлари оқилоналик талаби асосида белгиланиши лозим;

Қарздор инсофли асосда ҳаракат қилган ҳолда ушбу тўсқинликлар ва унинг оқибатларини олдини олиш ёки бартараф этиш имконияти бўлмаслиги лозим.

Писандада тўсқинликларни вужудга келтирувчи ҳолатларни очик рўйхати келтирилади. Писандаларни қўллашнинг яна бир муҳим асоси бу шартномада қарздор тўсқинликларни вужудга келтирувчи ҳолатлар бўйича таваккалчилик ҳавф-хатарини ўз зиммасига олмаганлик ҳисобланади. Агарда у шартномада ўз шеригини, инвесторни, кредиторни ишонтириш учун муайян ҳолатлар бўйича таваккалчилик ҳолатини ўз зиммасига олган бўлса форс-мажор писандасини қўллашнинг талаб эта олмайди, чунки, бу писандани қўллаш императив эмас диспозитив норма асосида белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 333-моддасида ҳам

форс-мажорни белгиловчи норма диспозитив характерга эга. Форс-мажор писандасини қўллаш асосларидан яна бири бўлиб, тўскинликлар таъсирига дучор бўлган тараф бундай вазиятга дуч келиши билан дархол бошқа тарафни хабардор қилиши шарти хисобланади. Агарда хабардор қилиш кечиктирилса, бу ҳолда хабардор қилинган пайтдан бошлаб форс-мажор писандасини қўллаш мумкин бўлади, хабардор қилмаслик эса хабардор қилиниши сабабли олдини олиш мумкин бўлган зарарларни қоплаш мажбуриятини хабардор қилмаган томон зиммасига юклаш ҳуқуқини беради. Форс-мажор писандасининг қоидаларидан яна бири шуки, писанда бўйича мажбуриятни бажара олмаган қарздор зарарни қоплаш, жарималар тўлаш ва шартнома бўйича бошқа санкцияларни қўлланишдан озод бўлади бироқ, пул мажбуриятлари бўйича йиллик фоизларни тўлаш мажбурияти бундан мустасно. Форс-мажор орқали мажбуриятни бажармаганлик учун жавобгарликдан озод этиш оқилона муддатга мажбурият ижросини кечиктиради ва шу муддат давомида бошқа томон шартномадан воз кечиш ёки бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлмайди, бу эса шартномавий муносабатларни сақлаб қолишга имкон беради. Хар бир тараф шартномавий муносабатларни бекор бўлгунга қадар бажарилиши натижасида олинган нарсаларни сақлаб қолиши мумкин. Хар бир тараф бундай бажариш натижасида хар қандай асоссиз бойиш бўйича бошқа томонга ҳисобот бериши шарт. Молиявий ҳисоб китоблар бўйича тўловлар кечиктирилмасдан амалга оширилиши лозим.

Мамлакатимизда пандемия шароитида тадбиркорлик субъектларига форс-мажор ҳолатини юридик фактини тасдиқлаш бўйича далил исботлар тўплашда ёрдам кўрсатилмоқда. Жумладан, форс-мажор ҳолати тўғрисида сертификатни расмийлаштириш учун Савдо саноат Палатасига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

А) мурожат қилиш сабаблари ва асослари батафсил кўрсатилган ариза;

Б) шартнома нусхаси ва иловалари;

В) аризачи ҳуқуқини белгиловчи ва рўйхатга олиш ҳужжатлари;

Г) ваколатли органлар ҳужжатлари. Шу жумладан давлат органларининг таъқиқловчи ва чекловчи чоралари, ариза берувчи аризада форс-мажор ҳолати сифатида хавола қилган ходисани тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар.

Баъзи адабиётларда кенг тарқалган форс-мажор ҳақида бир хато фикр тўғрисида тўхтаб ўтиш лозим. Бунга кўра гўёки форс-мажор зарар ва зиёнларни тақсимлаш бўйича статус-кво ҳолатини келтириб чиқаради яъни қандай бўлса шундай қолсин. Бунинг моҳияти шуки, форс-мажор ҳолатида ким қандай зарар кўрса, ўша зарар унда амалда қолади. Контрагентга ҳеч қандай қоплаш ҳақида талаб қўя олмайди. Бундай фикр хато эканлигини Еврокомиссия томонидан қабул қилинган қарор яққол кўрсатди. Еврокомиссия пандемия сабабли самалёт парвозлари бекор қилингани учун билетлар пулини қайтариш ёки уларни ваучерлаштириш мажбуриятини авиакомпаниялар зиммасига юклади. Демак, форс-мажор ҳеч қачон асоссиз бойишга хизмат қилмаслиги лозим.

Пандемия форс-мажорнинг ҳуқуқий асослари бўйича ҳам турли баҳс мунозараларни келтириб чиқарди. Фикримизча, форс-мажор ҳолати давлатларнинг қонунлари билан эмас, иш муомиласи одатлари билан тартибга солинмоғи лозим. Ҳозирги кўпчилик амалиётда форс-мажор бўйича Халқаро Савдо Саноат Палатаси тавсиялари бундай вазифани бажармоқда. Давлат форс-мажорни ҳуқуқий тартибга солиши мақсадга мувофиқ эмас, чунки, давлатнинг ўзи форс-мажорни вужудга келтирувчи катта гуруҳдаги ҳаракаларни содир этади. Айти пайтда, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг янги лойиҳасида 382-моддасида мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик асосларини белгилашда форс-мажорга нисбатан амалдаги ФК 333-моддасидан фарқли равишда нормалар белгиланган. Биринчидан, форс-мажор мажбуриятни бузганлик учун жавобгарликдан озод қилиш учун асос эмас, балки мажбуриятни бажармаган қарздорни айбсиз эканлигини белгиловчи асосдир. Иккинчидан,

форс-мажор ҳолатлари нафақат тадбиркорлик муносабатларига балки нотадбиркорлик муносабатларига ҳам мажбуриятни бажармаган қарздор учун айбсизлигини белгиловчи ҳолат ҳисобланади. Фикримизча тадбиркорлик субъекти ва нотадбиркорлик субъекти ҳуқуқий ҳолати бўйича кескин фарқ қилади. Тадбиркорлик фаолияти таваккалчиликка асосланган фаолият, бинобарин унинг жавобгарлик даражаси юқори ва ҳар иккала ҳолатни бир хил қарич билан ўлчаш адолатдан эмас. Форс-мажор шарти диспозитив шарт. Тарафлар уни эътиборга олмасликлари ҳам мумкин. Баъзи ҳолларда инвесторларга кафолат бериш учун инвестиция қабул қилувчи томон форс-мажор ҳолати бўйича зарарларни ўз зиммасига олади. Шу сабабли ҳам ФКнинг амалдаги конструкциясини сақлаб қолиш мақсадга мувофиқдир.

Пандемия ва бизнес муносабатларини қисқа муддатли жараёнини кузатиш орқали қуйидаги хулосаларга келиш мумкин. Биринчидан, давлат пандемия шароитида тўлиқ ҳуқуқий майдонда ҳаракат қилди ва халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ ҳуқуқий режим белгилади, фақулотда чекловчи чоралар оқибатларини юмшатиш учун давлат ўз ваколат доирасида бизнес учун қатор енгилликлар, имтиёзлар жорий этди, субсидиялар, солиқ таътили ва шу каби преференциялар тизимини қўллади. Айти пайтда бизнес ҳам пандемия туфайли вужудга келган шарт шароитлардан суистеъмол мақсадларда фойдаланишдан ўзини тийди (товарлар нархини кескин оширишдан). Иккинчидан, тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги шартномавий муносабатларга пандемия таъсирининг ҳуқуқий майдонга кўчириш механизми яратилмоқда. Бу форс-мажор оқибатларини қўллаш, вазиятни жиддий ўзгариши муносабати билан шартнома шартларини ўзгартириш, шартномавий мажбуриятлар ижросини кечиктириш ва шу каби ҳолатларни қўллаш бўйича ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётини шаклланиш жараёнида намоён бўлмоқда. Агар келгусида ҳам тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар ушбу механизм асосида вужудга келган ҳуқуқий майдонда амалга оширилса, пандемия

оқибатларини юмшатиш ва бартараф этиш бўйича янги ҳуқуқ тартибот тизими вужудга келишини башорат қилиш мумкин. Бу эса мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, инвестиция жозибадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Назорат саволлари:

1. Фавқулотда шароитларда бизнесни ҳуқуқий тартибга солишнинг халқаро ҳуқуқий асосларини айтинг.

2. Фавқулотда вазиятда бизнес субъектларига нисбатан давлат томонидан жорий этиладиган чекловлар қайсилар?

3. Фавқулотда шароитларни бизнес партнёрлар ўртасидаги муносабатларга таъсири қандай?

4. Форс-мажор ҳолатлар ҳақида гапиринг.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машғулот. Хусусий ҳуқуқ тизимида фуқаролик ҳуқуқи ва бизнес ҳуқуқининг ўрнини аниқлаш

1-топширик

Фуқаро якка тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтмасдан ўз уйида пиширган ширинликларни автобус бекатида кўчма савдони ташкил этиш йўли билан сотишни йўлга қўйди. 1 ойдан сўнг туман солиқ инспекцияси ходимлари фуқарони якка тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиб, белгиланган солиқларни тўлаши ҳақида огоҳлантиришди. Аммо фуқаро пандемия шароитида кўчма савдога эркин рухсат берилганини важ қилиб, солиқ органининг эътирозларини инкор этди ва ўз фаолиятини ҳеч иккиланмай давом эттирди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

2-топширик

Фуқаро Салимова Малика жуда миришкор аёл. Уйда ўтириб оиласига кўшимча даромад келтириш учун доим ҳаракат қилади. Қарамоғида 30га яқин товук ва хўрозлари, 4га яқин соғин сигирлари ҳам бор. 14 сотих ховлисига полиз экинлари экиб етиштиради. Рўзғордан орттириб кўча бошидаги дўкончага ҳам ҳар куни сут, қатиқ, тухум ва полиз маҳсулотларини етказиб туради. Фуқаро Салимова Маликани маҳалладагилар “тадбиркор аёл” деб мақтайди.

Қонун нуқтаи назаридан Фуқаро Салимова Маликанинг даромад олиши тадбиркорлик ҳисобланадими?

2-амалий машғулот. Тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахслар ташкилий-ҳуқуқий шакллари конструкцияларини таҳлил қилиш

1-топширик

“Юлдуз” МЧЖ Ипотека АТИБ Миробод филиалидан 95 млн сўмлик кредит олиш учун гаров сифатида ўзига тегишли бўлган теннис корти биносини гаровга қўйди. Орадан бир ой ўтгач МЧЖ да улушга эга бўлган Ғаниев МЧЖ нинг теннис корти биносини гаровга қўйиш масаласи муҳокама қилинган умумий йиғилиши мажлисида қатнашмаганлиги ҳамда юқорида назарда тутилган суммадаги кредит шартномаси йирик битим ҳисобланганлиги туфайли мазкур шартномани ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида Тошкент шаҳар Хўжалик судига даъво юилан чикди. Тошкент шаҳар Хўжалик суди томонидан Юлдуз МЧЖ нинг теннис корти биносини гаровга қўйиш масаласи муҳокама қилинган умумий йиғилиши мажлиси баённомаси ҳақиқий эмас деб топилиб, мазкур теннис корти биносини гаровга қўйиш ҳақидаги банк билан тузилган гаров шартномаси ҳам бекор қилинди. Натижада Юлдуз МЧЖ ва АТИБ Миробод филиали ўртасидаги кредит шартномаси гаров билан таъминланмай қолди.

Мазкур вазиятда юрист сифатида банкка қандай йўл тутуши мумкинлиги ҳақида маслаҳат беринг.

МЧЖда улушларга эга бўлинган шерикларнинг ҳуқуқларига тўхталиб, йирик битимнинг моҳиятини очиб беринг.

Мазкур казусга жавоб ёзишда турли олимларнинг мулоҳазаларидан иқтибослар келтиринг.

2-топширик

Фуқаро М.Болтаев ўз оиласи билан биргаликда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун оилавий корхона ташкил қилган эди. У шу туманда жойлашган "Chicken star" МЧЖ билан сут ва гўшт маҳсулотлари етказиб бериш бўйича шартнома имзолаган эди. Шартнома

шартларига кўра М.Болтаев хар ойда 2000 литр сут ва 1000 кг мол гўштини етказиб бериши керак эди. Гўшт ва сут савдоси билан шуғулланадиган “Chicken star” МЧЖ эса бу товарлар пулини хар ойнинг бошида ва ўртасида иккига бўлиб тўлаши лозим эди. Аммо М.Болтаев шартнома шартларини бузиб бир неча ой давомида келишилган махсулотни етказиб бермади. Натижада “Chicken star” МЧЖ етказилган зарарни ундириш учун судга мурожаат қилди. Суд етказилган зарар М.Болтаевнинг оилавий корхонасининг мулкидан ундириш, бу мулк етмаган сумма эса оилавий корхона иштирокчилари ва унда меҳнат шартномаси асосида ишловчи ходимларнинг мулкидан субсидиар тарзда ундириш хақида қарор чиқарди. Оилавий корхона рахбари М.Болтаев эса суднинг бу қарори устидан юқори инстанцияга шикоят қилиб, зарар фақат оилавий корхонанинг мулкидан ундирилиши кераклигини айтди. Юқори инстанция суди эса қуйи инстанция судининг қарорини қисман ўзгартириб, фақат оилавий корхонада меҳнат шартномаси асосида ишловчи ходимларни мулкидан ундирилсин деган қисмини бекор қилди. Қолган қисмини эса ўзгаришсиз қолдирди.

Вазиятни қонунчилик асосида таҳлил қилинг.

3-амалий машғулот. Битимларнинг ҳақиқий эмаслиги ва унинг оқибатларини ҳуқуқий тартибга солиш

1-топширик

Даъвогар МЧЖ жавобгар АЖга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, кўчмас мулкнинг олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган, томонлар ўртасида кўчмас мулкнинг олди-сотди шартномаси тузилган, унга асосан МЧЖ ўзининг балансида бўлган маъмурий бинони 13.629.818 сўмга сотишни АЖ эса ушбу кўчмас мулк учун олдиндан 10 кун муддат ичида бўнак тўлаши, қолган суммани бир йил ичида бўлиб – бўлиб тўлаш мажбуриятини олган. АЖ тўловни қисман амалга оширгандан сўнг, қабул қилиш далолатномасига асосан бино АЖга топширилган, бино мазкур шартнома нотариал тасдиқланмаган, ҳамда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилмаган, АЖ тўловни тўлиқ амалга оширмасдан бинодан фойдаланиб келган.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг? Низо бўйича суд қандай ҳал қилув қарорини қабул қилиши лозим, ўз хулосалангизни фуқаролик қонун ҳужжатлари асосида ҳал этинг.

2-топширик

Давлат таълим муассасаси тегишли ўқув дастурларига мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг таълим тўловларини тўлаш шартномаларига биноан мутахассисларни тайёрлайди. Давлат таълим муассасаси билан шундай битим тузган талабалардан бири ушбу шартноманинг ҳуқуқий моҳияти тўғрисида савол билан юридик маслаҳатхонага мурожаат қилди. Бундан ташқари, у давлат таълим муассасаси томонидан пуллик таълим хизматларини кўрсатиш тадбиркорлик фаолияти эканлигини ва қандай шароитларда таълим муассасаси бундай фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтиришни сўради.

Вазиятга ҳуқуқий ечим беришга ҳаракат қилинг.

4-амалий машғулот. Реклама фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш масалалари

1-топширик

“Ўзбекистон 24” телеканали ва UCELL компанияси ўртасида тузилган шартномага кўра, телеканал компаниянинг янги таъриф режалари ҳақидаги рекламани 1 ой ҳар куни соат 20.55 да эфирга узатишга келишилди. Аммо Конституция кунига бағишланган тантанали маросим тўғридан-тўғри эфирга узатилиши муносабати билан бу реклама ойнинг фақат бир кунда 22.55 да эфирда берилди. UCELL компанияси шартнома шартлари бузилганлиги учун телеканалда етказилган зарар қопланишини талаб қилди. Бироқ “Ўзбекистон 24” телеканали зарарни тўлашдан бош тортди.

Вазиятга реклама тўғрисидаги қонунчилик талабларидан келиб чиқиб, ҳуқуқий баҳо беринг.

2-топширик

Фукаро Эгамов ёш тадбиркорлардан бири. У Ўзбекистондаги энг йирик ва молиявий жихатдан анча барқарор бўлган “Парвина банк”нинг омонат жамғармасига 50 000 000 сўм пул маблағларини омонатга қўйган эди. Бироқ вақт ўтиши билан ушбу банкнинг молиявий аҳволи оғирлашиб борди. Натижада Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонунининг 53-моддаси ва “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 14-моддасига асосан, амалдаги банк қонунчилиги талабларини бузганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Марказий банки “Парвина банк” тижорат банкдан банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни чақириб олди.

Тадбиркор Эгамов сиздан юридик ёрдам олиш учун мурожаат қилиб, унинг омонатга қўйган маблағларининг тақдири нима кечиши, қандай қилиб ўз омонатини қайтариб олиши, унинг тартиби ва асослари, шунингдек банкнинг тугатиш тартиби ва бунда омонатчилар ҳуқуқларининг кафолатлари бўйича ҳуқуқий маслаҳат сўради.

Вазиятни қонун ҳужжатлари асосида таҳлил қилинг.

5-амалий машғулот. Маҳсул иқтисодий зоналарда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари

1-топширик

Навоий вилоят ҳокими томонидан вилоят ҳудудини ободонлаштириш мақсадида вилоят ҳудудидаги барча корхона, ташкилот ва муассасаларга маълум белгиланган ҳудуд ажратиб берилди ва ушбу ҳудудни инфратузилмасини ривожлантириш ва кўкаламзорлаштиришни ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширишлари тўғрисидаги қарор қабул қилинди. Аммо, Навоий эркин индустриал-иқтисодий зона маъмурияти вилоят ҳокими қарори улар учун мажбурий характерга эга эмаслигини ва у Эркин индустриал-иқтисодий зоналар бўйича республика маъмурий кенгаш орқали фаолиятини амалга оширишини ҳамда эркин индустриал-иқтисодий зоналарга берилган имтиёزلарни важ қилиб, қарор ижросини амалга оширмаслигини маълум қилди.

Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.

2-топширик

Таъсисчилар акциядорлик жамияти шаклидаги “Epsilon Galaxy” (хорижий инвестициялар иштирокидаги)ни ташкилотни рўйхатдан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига мурожаат қилишди. Таъсисчилар хорижий муассис тўғрисида юридик шахс рўйхатдан ўтказилган жойдаги савдо реестридан кўчирмани ҳам тақдим қилишди. Бироқ, Вазирлик бевосита ушбу ваколат унга берилмаганлигини, бу борада тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришда ҳуқуқий ёрдам бериш мумкинлиги, ташкилий ҳуқуқий шаклни танлашда эса хорижий инвесторлар учун масъулияти чекланган жамиятини очиш лозимлиги ҳамда рўйхатдан ўтиш учун Адлия вазирлиги ва Солиқ кўмитасига мурожаат қилишни билдирди. Қонунчиликда белгиланган ҳужжатларни тўплаш учун таъсисчилар адвокатга мурожаат қилди. Адвокат эса хорижий муассиснинг

корхона (ташкilot) устав фондидаги улуши интеллектуал мулк бўлса,
Интеллектуал мулк агентлигидан рухсат олиш лозимлигини таъкидлади.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

Амалий йўналтирилган, кўникма ва малакаларни мустаҳкамловчи услублар ўз хусусиятларига кўра инновацион ҳисобланади. Уларга: ташкилий-фаолиятли ўйинлар (ТФЎ), ишчан ва ролли ўйинлар, персоналларнинг мулоқоти, ижодий ишлар, психотехника, ролли тренинг, “Case-study” ва бошқалар киради. “Case-study” – турли вазиятларнинг тавсифидан, яъни кейслардан фойдаланган ҳолда ўқувчиларда аниқ кўникмаларни шакллантириш техникасидир

Кейс — бирор ташкилотдаги қандайдир аниқ реал вазиятнинг ёзма тавсифидир. Ундан фойдаланиш мобайнида ўқувчилардан вазиятни таҳлил қилиш, муаммонинг моҳиятини кўриб чиқиш, мумкин бўлган вариантларни таклиф этиш ва улардан энг мақбулини танлаш сўралади.

Ихтиёрий *кейс* ўқитувчига, уни таълим жараёнининг ихтиёрий босқичларида, жумладан, ўқитиш ва унинг натижаларини назорат қилиш мобайнида фойдаланиш *имкониятини* беради.

1-масала

Фуқаро А. тижорат банкига йиллик 24% тўлаш шarti билан бир йилга 100.000.000 сўм муддатли омонатга пул маблағларини кўяди. Омонат учун ҳар ойда фоизларни олиб келди. Бироқ, зарурат бўлганлиги сабабли фуқаро А. омонатнинг 10 ойида омонатини қайтариб олишга қарор қилди. Бунга банк норози бўлди. Чунки, банк омонати шартномаси муайян муддатга сақлаш ҳақида тузилган эди.

Масала қандай ҳал қилинади. Фуқаро А.нинг омонатга кўйган маблағларини қайтариш тартибини аниқ мисоллар билан тушунтиринг.

2-масала

Фукаро Лапасов судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, “Шератон” меҳмонхонасидан 3000 \$ ундиришни сўради. Ушбу меҳмонхонадан сўралаётган баҳодаги Лапасовнинг ашёлари: костюм, плаш ва электробритва йўқолган эди. Суд жараёнида меҳмонхона вакили Лапасовни умумий номерда яшаганлиги ва ашёларини камера храненияга топшириши лозимлигини, бироқ у ушбу ҳаракатларни амалга оширмаганлигини маълум қилди. Бундан ташқари, даъвогар меҳмонхона маъмуриятига ушбу ашёлар ҳақиқатда бўлганлигини исботлаб бера олмайди. Лапасов билан бир хонада яшовчи гувоҳлар эса, Лапасовда ҳақиқатан ҳам костюм, плаш ва электробритва мавжуд бўлганлигини тасдиқлашган.

Ушбу иш бўйича хулоса беринг.

3-масала

Фукаро Аброров 1/20 улуш меросхўр сифатида мерос гувоҳномасини олди. У ушбу улушдан норози бўлиб, мерос қолдирувчи яъни, отаси муомалага лаёқатсиз шахс бўлганлиги, бу ҳақда фукаролик ишлари бўйича суднинг 2013 йил 10 апрелдаги қарори мавжудлиги сабабли васиятномани ҳақиқий эмас деб топишни сўради. Мерос қолдирувчининг бошқа меросхўрлари эса, бунга эътироз билдириб, васиятнома 2013 йил 5 апрелда расмийлаштирилганлиги, мерос қолдирувчининг муомалага лаёқатсизлиги эса, 5 кун ўтгач аниқланганлигини таъкидлашиб, қарши даъво ариза беришди. Қарши даъво аризада фукаро Аброровнинг улуши арзимаслиги ва унга компенсация берилишини талаб қилишди.

Васиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

4-масала

Фуқаро Болиев математика соҳасида шу вақтга қадар фанда ўз ечимини топмаган, янги теоремани исбот қилди. Ушбу теоремани журналларга юборишдан олдин нотариусга мурожаат қилиб, теоремани исботи ёзилган қўлёзмани тузилиш санасини гувоҳлантиришни сўради. Нотариус бунга эътироз билдирди ва муаллифлик ҳуқуқи устуворлиги санасини гувоҳлантириш нотариат тўғрисидаги қонунда назарда тутилмаганлигини таъкидлади. Фуқаро Болиев эса, нотариат тўғрисидаги қонунда назарда тутилмаган бўлса ҳам, нотариал гувоҳлантириш мумкинлиги сабабли нотариал гувоҳлантиришни талаб қилди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

5-масала

Фуқаро Саидов жисмоний камчилиги – бармоқлари йўқлиги сабабли ўзининг қўшниси фуқаро Пулатовдан унинг учун фуқаро Давроновдан 15 млн. сўм қарз олганлиги тўғрисидаги битимни имзоланишни сўрайди. Белгиланган муддат ўтгандан сўнг Давронов қарзни қайтаришни сўрайди. Саидов эса унинг маблағлари йўқлиги сабабли талабни қаноатлантирмаслигини маълум қилади. Шундан сўнг Давронов судга мурожаат қилади.

6-масала

Фуқаро Д. ўзининг номидан олди-сотди шартномаси тузиш учун фуқаро Т. билан топшириқ шартномасини имзолайдилар. Т. ҳам бевосита худди шу ҳаракатларни амалга ошириш учун фуқаро Ю.га топшириқ шартномаси асосида ишончнома берган.

Савол: Т. Ўзига берилган ваколатларни бошқа шахсга топширишга ҳақлими? Ю.нинг ҳаракатлари натижасида келиб чиққан ҳуқуқий оқибатлар кимнинг ҳуқуқ ва манфаатларига таъсир кўрсатади.

7-масала

Фуқаро Равшанов ва Солиевалар унаштирилган эди, лекин Солиева ҳали никоҳ ёшига, яъни ўн еттига тўлмаган эди. Аммо вазият тақозоси этиб, зудлик билан тўй қилишга тўғри келди. Чунки Равшановнинг бобоси оғир бетоб эди. Лекин туман ФХДЁ бўлими Солиеванинг никоҳ ёшига етмаганлигини важ қилиб ёшларнинг аризаларини рад этди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

8-масала

Фуқаро Олимов ўз квартирасини фуқаро Алиевга ижарага берди. Икки ўртада тузилган ижара шартномасига асосан Алиев квартирани соз ва озода сақлаши керак эди, лекин маълум бўлдики, шартнома тузилгандан бир ой ўтиб квартирадаги арим жиҳозларга жиддий зиён етган. Олимов шартномани бекор қилди ва Алиевдан уйга етказилган зарарни, шунингдек, тузатишга кетган бир ой муддат учун ижара ҳақини ҳам талаб қилди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

9-масала

Фуқаро Собиров “Малика” савдо мажмуасига ноутбук сотиб олиш учун келди ва 11 А сонли дўкондан “Asus” маркали ноутбукни сотиб олишга қарор қилди, пулини эса ўзига қарашли пластик карточка орқали тўламоқчи бўлди. Лекин дўкон сотувчиси Собировга агар нақд пул кўринишида тўлов қилса, келишилган нархда беришини, аммо пластик карточка орқали тўлов қилса тўловнинг ўн фоизи миқдорида кўшимча пул ечиб қолишини маълум қилди.

Собиров қандай ҳаракатни амалга ошириши керак.

10-масала

Усмонов ўзига қарашли “iPhone X” маркали телефонини йўқотиб қўйди. Қидирув натижасида телефон фуқаро Комиловда эканлиги ва ўғирланмаганлиги, айнан топиб олинганлиги маълум бўлди. Усмонов Комиловдан телефонни талаб қилганида эса Комилов топиб олинган телефонни шунчаки бериб юбормаслигини, ҳеч бўлмаса, телефон нархининг қирк фоизини беришини талаб қилди.

Усмонов қандай йўл тутиши керак?

11-масала

Шодиев “Хўжалик моллари” дўконидан қирқ метр полиэтилен қувурини харид қилди. Ушбу қувурни дўконда текшириб олиш имкони йўқлиги сабабли уйига келиб текширди ва нуқсонли борлигини ҳамда ушбу камчилик ўз вазифаси учун фойдаланишга тўсқинлик қилар эди. Орадан бир кун ўтиб, қувурни алмаштириш учун дўконга олиб келганда сотувчи айнан шу турдаги қувур йўқлигини, кутиб турса ўн кунлик муддатда янги моллар келишини таъкидлади. Шодиев эса у ҳолда қувурни қайтариб олиб пулини қайтаришни талаб қилади. Сотувчи эса бу талабни рад қилди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

12-масала

Ипотека банкнинг филиали ва МЧЖ ўртасида кредит шартномаси тузилди. Мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида, кредит қарзи ва унга ҳисобланган фоизлар белгиланган жадвалдан кечиктирилган ҳолда тўланадиган бўлса, ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,4 фоиз миқдорида, аммо қарз суммасининг 80 фоизидан ошиқ бўлмаган миқдорда пеня ҳамда мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 25 фоизи миқдорида жарима тўлаши тўғрисида шарт қўйилди.

Банкнинг пеня ва жарима ундиришни талаб қилиши тўғрими?

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

13-масала

Фуқаро Алимов олди-сотди шартномасига асосан сотиб олган уй-жойи учун кўшни кўчмас мулк (ер участкаси, бошқа кўчмас мулк) эгаси кўшниси фуқаро Ботировдан ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда, яъни ўзи уйига электр узатгич, алоқа ва қувур линияларини ўтказиш ва улардан фойдаланиш, сув билан таъминлаш учун фойдаланиш (сервитут) ҳуқуқини беришни сўради. Фуқаро Асадовга ер участкасига сервитут белгиланиши унинг участкага эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқларидан маҳрум этишлигини таъкидлаб, кўшниси фуқаро Рустамовнинг илтимосини рад қилди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

14-масала

“Агромашлизинг” акциядорлик компанияси ва “Фаёз” фермер хўжалиги ўртасида тракторни лизингга олиш бўйича лизинг шартномаси тузилди. Лизинг шартномаси бўйича тўловлар ўз вақтида тўлашга ҳаракат қилинди. Бироқ, лизинг тўловининг 75% тўлашга улгурилган ҳолда фермер хўжалиги қолган қисмини тўлай олмади. Лизинг шартномаси бўйича сотиб олиб лизинг олувчига топширилган трактор лизинг берувчининг банкдан олган кредити таъминоти сифатида банкка гаровга қўйилган. Бироқ, ушбу гаров шартномасини тузишда лизинг олувчининг розилиги олинмаган.

15-масала

Фуқаро Кабулов МЧЖ билан келгусида автомобилни сотиб олиш шарти билан дастлабки ижара шартномасини тузган. Шартнома ёзма равишда тузилиб, муддати белгиланди. Орадан бир ярим йил ўтгандан сўнг

гарчи барча тўловлар тўлаб берилган бўлишига қарамасдан автомобилга нисбатан олди-сотди шартномаси тузилмади.

16-масала

«Ирода» МЧЖ директори «Парвона» МЧЖ билан олди-сотди шартномасини тузади. Шартнома шартларига кўра, «Ирода» МЧЖ «Бахор» хусусий корхонасига тегишли бўлган кўчмас мулкни топшириши лозим эди. Ушбу шартнома қиймати «Ирода» МЧЖ устав фондининг 25%ни ташкил қилади ва директор «Бахор» хусусий корхонасидан кўчмас мулкни тасарруф этиш борасида ишончнома олган эди. Ушбу шартнома ҳақиқийлиги борасида низо келиб чиқди. «Ирода» МЧЖнинг фикрича, у ҳар қандай битим тузиш бўйича устав асосида ҳаракат қилган. Бироқ, муассислар бунга розилик билдиришмади ва судга битимни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида мурожаат қилади.

17-масала

Сурхондарё магистрал йшли реконструкция ва жорий таъмирланиши муносабати билан вилоят ҳокимининг “Кувонч” бўёқ заводи масъулияти чекланган жамиятини тугатиш тўғрисида қарори қабул қилинади ва қарор билан янги юридик шахс ташкил қилиш учун шаҳар чеккасидан ер участкаси ажратишга рози бўлади. Ушбу қарордан “Кувонч” бўёқ заводи масъулияти чекланган жамияти директори рози бўлиб, фаолиятини тугатиш ҳаракатларини бошлаб юборди. Бундан хабардор бўлган жамиятнинг таъсисчилари директорни ҳаракатларини ноқонуний деб баҳолади ва судга ҳоким қарорини бекор қилишни сўраб мурожаат қилди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

18-масала

14 ёшга тўлган вояга етмаган Каримов ота-онаси бошқа республикада ишлаши сабабли ўзининг бувиси Холматоваларникида яшарди. Бир куни уйда хеч ким йўқлигидан фойдаланиб, улар бувисининг уйда ижарада яшовчи Олимованинг хонасига кириб пулларини ўғирлади. Вазиятдан хабардор бўлингандан сўнг ушбу пуллар вояга етмаган Каримовдан топилди.

Олимова Каримов томонидан келтирилган зарарни ундириш мақсадида Холматова устидан шикоят қилиб судга даъво ариза беради.

Фуқаролик суди Холматовадан вояга етмаган бола тарбиясига эътиборсиз қараганлиги ва унинг тарбияси билан жиддий шуғулланмаганлиги учун 5 000 000 сўмни ундириш ҳақида қарор қабул қилди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

19-масала

Фуқаро Аҳмедов ўзининг фарзанди 12 ёшли Давроннинг тарбиясида иштирок етмаганлиги ва ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилганлиги сабабли ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Орадан 2 йил вақт ўтгандан сўнг Даврон безорилик содир этиб фуқаро Махмудовнинг мол-мулкига зарар етказди.

Фуқаролик ишлари бўйича суднинг ҳал қилув қарорига кўра, етказилган зарарни қоплаш мажбурияти фуқаро Аҳмедовга юклатилди. Бундан Аҳмедов норози бўлди. Унинг фикрича, у ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган. ФКнинг 993-моддаси 1-қисмига кўра, ўн тўрт ёшгача бўлган вояга етмаган (кичик ёшдаги бола) томонидан етказилган зарар учун унинг ота-онаси (фарзандликка олувчилари) ёки васийлари, агар зарар

уларнинг айби билан етказилмаганлигини исботлай олмасалар, жавобгар бўладилар.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

20-масала

Фуқаро Акмалов томонидан фуқаро Зафаровнинг соғлиғига зарар етказилди. Ушбу иш фуқаролик ишлари бўйича суднинг ҳал қилув қарорига кўра, фуқаро Акмалов 25 миллион сўм зарарни қоплаши белгиланди. Бироқ, орадан 2 ой ўтгандан сўнг, зарар қопланмасдан олдин фуқаро Акмалов вафот этди.

Унинг меросхўрлари эса, етказилган зарар учун жавоб бермасликларини, зарар етказганлик учун жавобгарлик шахсий хусусиятга эгаллигини маълум қилишди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

VI. ГЛОССАРИЙ

| Термин | Ўзбек тилидаги шарҳи | Инглиз тилидаги шарҳи |
|-------------------------------|--|---|
| Хусусий ҳуқуқ | умумий манфаатларни тартибга солувчи ва ҳимоя қилувчи оммавий ҳуқуқдан фарқли равишда шахсий манфаатлар, шахсий муносабатлар ва мулкӣ фаолиятда фуқаролар ва юридик шахсларнинг мустақиллиги ва ташаббускорлигини тартибга солувчи ҳуқуқ соҳалари йиғиндисини англатувчи тушунча | in contrast to public law, which regulates and protects the common interest, the concept is a set of areas of law that regulate the independence and initiative of citizens and legal entities in personal interests, personal relationships and property activities |
| Фуқаролик ҳуқуқи | қитъа ҳуқуқ тизимида алоҳида ва мустақил ҳуқуқ соҳаси бўлиб, аъанавий тарзда иштирокчиларнинг тенглигига асосланадиган ҳамда мулкӣ ва шахсий номулкӣ муносабат деб аталадиган шартли гуруҳларга жамланган ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни назарда тутди | is a separate and independent branch of law in the continental legal system, which provides for the legal regulation of social relations, traditionally based on the equality of participants and grouped into conditional groups called property and personal non-property relations |
| Бизнес ҳуқуқи предмети | тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий, ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизмат кўрсатиш, субъектнинг ички тузилмалари ўртасидаги, давлатнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига умумий раҳбарлиги билан боғлиқ муносабатлар ташкил этади | organizational and legal relations of business entities, production, performance of works and services, between the internal structures of the entity, the general management of the state in the activities of business entities |
| Тижоратчи ташкилот | фойда олишни ўзининг асосий мақсади қилиб олган ташкилот | organization pursuing profit making as the main goal of its activities |

| Термин | Ўзбек тилидаги шарҳи | Инглиз тилидаги шарҳи |
|------------------------------------|---|---|
| Тижоратчи ташкилот | фойда олишни ўзининг асосий мақсади қилиб олган ташкилот | organization pursuing profit making as the main goal of its activities |
| Тўлиқ ширкат | иштирокчилари ўз ўрталарида тузилган шартномага мувофиқ ширкат номидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган ҳамда унинг мажбуриятлари бўйича ўзларига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб берадиган ширкат | partnership, the participants of which, in accordance with the agreement concluded between them, are engaged in entrepreneurial activity on behalf of the partnership and are responsible for its obligations with all property |
| Масъулияти чекланган жамият | бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди (устав капитали) таъсис ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган микдорлардаги улушларга бўлинган жамият | a company founded by one or more persons, the authorized capital (authorized capital) of which is divided into shares of the sizes determined by the constituent documents |
| Акциядорлик жамияти | устав фонди муайян акциялар сонига бўлинган жамият | company, the authorized capital of which is divided into a certain number of shares |
| Термин | Ўзбек тилидаги шарҳи | Инглиз тилидаги шарҳи |
| Битим | фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳаракатлари | actions of citizens and legal entities aimed at establishing, changing or revoking civil rights and duties |
| Низоли битим | Фуқаролик кодексида белгилаб қўйилган асосларга кўра, суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилган битим | an agreement declared invalid by a court on the grounds set out in the Civil Code |
| Ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган | Фуқаролик кодексида белгилаб қўйилган асослардан қатъи назар, ҳақиқий эмас деб | an agreement that is deemed invalid regardless of the grounds |

| | | |
|--|--|--|
| битим | хисобланадиган битим | set out in the Civil Code |
| Янглишиш таъсирида тузилган битим | битим юзасидан келиб чикувчи тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида нотўғри тасаввурга эга бўлиш, яъни тарафларнинг ҳақиқий хоҳиш-иродасини акс эттирмасдан, битим тузилган вақтда тарафлар томонидан назарда тутилмаган ҳуқуқий оқибатларга олиб келган битим | misunderstanding of the rights and obligations of the parties arising from the transaction, ie a transaction that did not reflect the real will of the parties, which led to legal consequences not provided by the parties at the time of the transaction |
| Термин | Ўзбек тилидаги шарҳи | Инглиз тилидаги шарҳи |
| Реклама | бевосита ёки билвосита фойда (даромад) олиш мақсадида юридик ёки жисмоний шахслар, маҳсулот, шу жумладан товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва технологиялар тўғрисида ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай воситалар ёрдамида конун ҳужжатларига мувофиқ тарқатиладиган махсус ахборот | special information disseminated in accordance with the legislation in any form, by any means about a legal or natural person, products, including about a trademark, service mark and technology, for the purpose of direct or indirect profit (income) |
| Реклама берувчи | рекламани тайёрлаш ва (ёки) тарқатиш учун унга буюртмачи бўлган шахс | person who is the customer of advertising for its production and (or) distribution |
| Реклама тайёрловчи | реклама тайёрлашни тўлиқ ёки қисман амалга оширувчи шахс | person fully or partially producing advertising |
| Реклама тарқатувчи | реклама воситалари орқали реклама тарқатишни амалга оширувчи шахс | advertising distributor |
| Термин | Ўзбек тилидаги шарҳи | Инглиз тилидаги шарҳи |
| Махсус саноат зонаси | бошқарув, хўжалик ва молиявий фаолиятнинг алоҳида режими | territory in which a special regime of management, economic and |

| | | |
|---------------------------------|--|---|
| | жорий этиладиган ҳудуд | financial activities is introduced |
| Эркин иқтисодий зона | янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш, юқори технологик ишлаб чиқаришни ривожлантириш, замонавий рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи, экспортга йўналтирилган тайёр саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга фаол жалб этиш, шунингдек ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт, ижтимоий инфратузилмани ва логистика хизматларини ривожлантиришни таъминлаш мақсадларида ташкил этиладиган ҳудуд | territory intended for the creation of new production facilities, the development of high-tech production, active involvement in the development of production of modern competitive, import-substituting, export-oriented finished industrial products, as well as ensuring the development of production, engineering and communication, road transport, social infrastructure and logistics services |
| Махсус ҳуқуқий режим | махсус иқтисодий зоналар ҳудудида инвестиция фаолиятини ва бошқа тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун алоҳида шарт-шароитларни белгилайдиган ҳуқуқий нормалар мажмуи | a set of legal norms establishing special conditions for the implementation of investment and other entrepreneurial activities in the territory of special economic zones |
| Туристик-рекреацион зона | унда замонавий туристик инфратузилма объектларини (меҳмонхона комплекслари, маданий-соғломлаштириш, савдо-кўнгилочар ва бошқа туристик аҳамиятдаги объектларни), махсус фаолият кўрсатувчи ва мавсумий рекреацион дам олиш зоналарини туристларга хизмат кўрсатиш мақсадида зарур шарт-шароитларни таъминлаган ҳолда барпо этишга доир инвестиция | territory that is created for the implementation of investment projects to create modern tourist infrastructure (hotel complexes, cultural and recreational, shopping and entertainment and other tourist facilities), special functional and seasonal recreational areas with the provision of the necessary conditions for serving tourists |

| | | |
|---|--|---|
| | лойихаларини амалга ошириш учун ташкил этиладиган ҳудуд | |
| Термин | Ўзбек тилидаги шарҳи | Инглиз тилидаги шарҳи |
| Глобал рақобатбардошлик индекси (Global Competitiveness Index) | Жаҳон Иқтисодий Форуми томонидан эълон қилинадиган йиллик ҳисобот. Биринчи марта 1979 йилда тузилган. 2004 йилдан бошлаб бу ҳисобот шу номдаги индексга асосланади | an annual report of the World Economic Forum. The first report was released in 1979. Since 2004, the Global Competitiveness Report ranks countries based on the Global Competitiveness Index. |
| Бизнес юритиш индекси (Doing Business Index) | бу кичик ва ўрта бизнеснинг ишбилармонлик фаоллигини яхшилайдиган ёки чеклайдиган қонунчиликни баҳолайдиган йиллик ҳисоботдир | an annual report that assesses legislation that improves or limits the business activity of small and medium-sized businesses |
| Суверен кредит рейтинглар (Sovereign Credit Ratings) | Fitch Ratings ва S&P Global Ratings рейтингларини бирлаштирадиган тизим | A system that combines Fitch Ratings and S&P Global Ratings |
| Коррупцияни қабул қилиш» индекси (Corruption Perception Index) | 1995 yildan beri har yili Transparency International tomonidan e'lon qilinadigan ushbu indeks ko'plab mamlakatlarda "ekspertlar baholari va jamoatchilik fikri so'rovlari bilan aniqlangan davlat sektoridagi korrupsiyaning bashorat qilingan darajasi" bo'yicha o'zgarib turadi. | This index, published annually by Transparency International since 1995, ranges in many countries "on the predicted level of corruption in the public sector, defined by expert assessments and public opinion polls" |
| Термин | Ўзбек тилидаги шарҳи | Инглиз тилидаги шарҳи |
| Форс-мажор | фавқулотда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар | emergencies and unavoidable circumstances under certain conditions |

| | | |
|-----------------------|--|---|
| Пандемия | юқумли касалликнинг бир мамлакат доирасидан четга чиқиб, бошқа мамлакатларга ҳам тарқалиши | the spread of an infectious disease beyond one country to another |
| Имтиёз | маълум тоифадаги шахсларга тақдим этиладиган қўшимча кафолатлар, енгилликлар | additional guarantees, benefits provided to certain categories of persons |
| Божхона тўлови | товарларни бојхона чегарасидан олиб ўтишда ундириладиган тўлов | payment for the movement of goods across the customs border |

VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Раҳбарий адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Олий Мажлисга мурожаатномаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 112 б.

2. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.

3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. –Т.: “Ўзбекистон”. – 2017.– 102б.

4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

5. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқи. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016. – 56 б.

6. Каримов И.А. Мамлакатимизни янада обод этиш ва модернизация қилишни қатъият билан давом эттириш йўлида. Т.21. – Тошкент: Ўзбекистон, 2013. – 384 б.

7. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: Ўзбекистон, 2015.-302 б.

II. Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т., 2018.
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // www.lex.uz.

3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. – Т.: Адолат, 2014. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 2-сонга илова.;

4. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 6 январдаги “Рақобат тўғрисида”ги Қонуни // <https://lex.uz/docs/1931443>.

5. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни // <https://lex.uz/docs/2006789>.

6. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида” //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 39-сон, 446-модда.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 25 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4210-сон қарори // <https://lex.uz/docs/4215422>.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида фуқаролик қонун ҳужжатларини такомиллаштириш чоралари тўғрисида”ги Ф-5464-сон Фармойиши // lex.uz.

9. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 февралдаги “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Қонуни // <https://www.lex.uz/docs/4737511>.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида”ги ПФ-6003-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/4838762>.

III. Махсус адабиётлар

1. Fuqarolik huquqi: Darslik. I qism / Mualliflar jamoasi. Prof. O.Oqyulovning umumiy tahriri ostida. – Toshkent: TDYU, 2016. 312 b.

2. Имомов Н. Юридик шахс моҳиятининг фуқаролик-ҳуқуқий талқини (назарий масалалар). – Тошкент: ТДЮУ, 2017. 150 б.

3. Тадбиркорлик (Бизнес ҳуқуқи). Маъсул муҳаррир Ҳ.Азизов. – Тошкент:ТДЮУ, 2018. 238 б.

4. Fuqarolik huquqi: Darslik. II qism / Mualliflar jamoasi. – Toshkent: TDYU nashriyoti, 2019. 684 b.

IV. Хорижий адабиётлар

1. Catherine Elliott & Frances Quinn. Contract law. Longman (2011). (Elliott & Quinn series).

2. Cees van Dam. European tort law. Oxford University Press (2013) Second Edition published in 2013.

V. Электрон таълим ресурслари

1. <http://www.gov.uz>

2. <http://www.lex.uz>

3. <http://www.edu.uz>

4. <http://www.norma.uz>

5. <http://www.gov.uz>

6. <http://www.my.gov.uz>

7. <http://www.parliament.gov.uz>

8. <http://www.ziyonet.uz>

VIII. ТАҚРИЗЛАР

О.Оқюлов томонидан тайёрланган Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш маркази Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари учун тайёрланган “Фукаролик – ҳуқуқий фанлар” модули ўқув услубий мажмуасига

ТАҚРИЗ

Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш маркази Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари учун О.Оқюлов томонидан “Фукаролик – ҳуқуқий фанлар” модули ўқув услубий мажмуаси тайёрланган.

Мазкур мажмуа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–4732-сон, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ–5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ–5847-сон Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сон, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3151-сон, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сон қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган.

Мазкур ўқув услубий мажмуаси тингловчиларга фукаролик ҳуқуқига оид фанларни ўқитиш методикаси, метод ва усулларини таҳлил этиш кўникмасини шакллантириш, шунингдек жамиятни демократлаштириш шароитида фукаролик-ҳуқуқий фанлар тўғрисида қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курси тингловчиларининг билимларини такомиллаштириш, ушбу соҳа муаммоларини аниқлаш, таҳлил этиш ва баҳолаш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш, шунингдек фукаролик -

хукукий фанларнинг асосий масалалари юзасидан чуқур билим олишни таъминлаш ҳамда педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш, замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш, педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш, ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илгор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш ҳамда ўқув жараёнини фан ва амалиёт билан самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш тўғрисида маълумотлар беради.

Ўқув услубий мажмуа замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади. Бундан ташқари, ўқув услубий мажмуада ҳар бир мавзуга доир маъруза матилари, амалий машғулот материаллари, кейслар ва глоссарийлар ҳамда адабиётлар рўйхати келтирилган.

Ушбу мажмуа ўқув услубий мажмуага қўйилган талабларга тўлиқ жавоб беради ва уни оммавий эълон қилишга тавсия берамиз.

ТДЮУ Фуқаролик ҳукуки
кафедраси доценти,
юримдик фанлар номзоди

У.Шорахметова

ТДЮУ Фуқаролик ҳукуки
кафедраси доценти в.б.,
юримдик фанлар номзоди

Э.Мусаев